Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 18 октябрь
ПАЙШАНБА
№ 238 (5.031).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ПАХТАКОР—АҲДИГА ВАФОДОР

Қашқадарё

Нишон районидаги «Пахтакор» давлат хўжалиги заршуносларн хирмонга 1.300 гектар майдондан 3.000 тоннадан зиёд пахта топшириб, зафар қучишди. Улар режага қўшимча 400 тонна оқ олтин тайёрлаш мақсадида йиғим-теримни қизитмоқдалар.

СУРАТДА: давлат хўжалиги директори Қодир Одилов ва бригада бошлиғи Юнус Ўринов пахтазорда.

* * *

Қарши районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигининг чеварн Лола Пирназарова мавсум бошланиши арафасида 10 тонна пахта теришга сўз берганди. У ҳозиргача этакдан 8 тонна оқ олтин тўкди.

СУРАТДА: пешқадам теримчи Лола Пирназарова.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

ЖАСОРАТ МЕВАСИ

Вилоят пахтакорлари 16 октябрда хом ашё тайёрлаш давлат буюртмаси бажарилганлиги тўғрисида ғалаба ҳужжатига имзо чекдилар. Бу муваффақият табиийдир. Зеро, кейинги йилларда қашқадарёликлар деҳқончилик маданиятини юксалтиришга, фан-техника тараққиёти ютуқларини ва илғорлар тажрибасини кенг жорий қилишга, йиғим-терим ишларини механизациялашга катта эътибор бермоқдалар. Бугунги эришилган ютуқ ана шуни исботлаб турибди. Оқ олтин тайёрлаш йиллик режаси бор-йўғи 43, машина теримн топшириғи эса 29 иш кунида адо этилди.

Ҳозиргача қабул пунктларига топширилган 488 минг тонна дурдонанинг 300 минг тоннадан знёдроғи ёки салкам 62 фоизи зангори кемалар бункеридан бўшатилди. Мавжуд агрегатларнинг ҳар бири билан мавсум бошидан бери ўртача 90—100 тоннадан ҳосил саранжомланди.

Йиғиштириб олинган жами хом ашёнинг 82 фоизи биринчи, 16 фоизи иккинчи ва фақат 2 фоизи паст сортларга ўтди.

Қўлга киритилган муваффақиятга вилоятда биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллаган ва ҳозиргача эл хирмонига қўшимча минг тонна пахта топширган Ғузор райони деҳқонлари катта ҳисса қўшдилар. Қарши райони заршуослари эса режадан ташқари 2.500 тонна оқ олтин тайёрлашди. Косон, Қамаши, Ульянов, Нишон, Чироқчи ва Усмон Юсупов районларининг пахтакорлари ҳам давлат буюртмаларини муддатидан аввал бажардилар ва мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдалар.

Бугунгача пахта етиштирувчи мавжуд 13 та райондан 10 таси зафар манзилини эгаллаб, иккинчи довон сари одимламоқда. 26 та жамоа хўжалиги, 83 та давлат хўжалиги ва 2.995 та бригада белгиланган топшириқни муваффақиятли уддалади. Ғузор районидаги Майна Ҳасанова номли ва Нишон районидаги 11-давлат хўжаликлари режани 125—126 фоиз бажаришди.

Қарши районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги қабул пунктларига кўзда тутилганидан 1.200 тонна кўп хом ашё етказиб берди. Режа 1,4 баравар ошириб адо этилди. Ўртача ҳосилдорлик 1.150 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳисобига мўлжалдаги 26 центнер ўрнига 36,5 центнердан тўғри келди. Қарши районидаги Карл Маркс номли ва Акмал Икромов номли давлат хўжаликлари йиллик топшириқни 116 фоиз уддаладилар. Ульянов районидаги «Москва» давлат хўжалиги деҳқонлари гектаридан 25 центнер ўрнига 31 центнердан ҳосил саранжомлашди.

Жорий мавсумда илғор жамоалар сафи янада кенгайди. Қарши районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигидан Э. Обидраҳматов ва Акмал Икромов номли давлат хўжалигидан Э. Рўзибоев бошлиқ бригадалар гектаридан ўртача 40 центнердан пахта йиғиштириб олишди. Режа 1,6 баравар ошириб бажарилди. Косон районидаги 52-давлат хўжалигидан Д. Қулмуродов бригадаси қабул пунктларига 536 тонна ўрнига 931 тонна хом ашё топширди. Қарши районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигидан Ж. Сувонов бошлиқ бригада 129 гектар ернинг ҳар гектари ҳосилдорлигини мўлжалдаги 26 центнер ўрнига 34 центнерга етказди.

Вилоят механизаторлари ҳосилнинг катта қисмини агрегатлар ёрдамида териб бердилар. Нишон, Муборак, Қарши районларида машина теримн режаси 125—130 фоиз адо этилди. Ульянов, Усмон Юсупов, Косон ва бошқа районларда тайёрланган оқ олтининг асосий қисми пўлат этаклардан тўкилди.

Мавсумда ўнлаб моҳир механизаторларнинг номлари маълум бўлди. Ҳозиргача бункердан 266—287 тонна дурдона бўшатган Косон районидаги 39-совхозданг С. Қўчқоров ва Усмон Юсупов районидаги 24-совхозданг Н. Шодмонов ҳамкасблари ўртасидагн мусобақада илғорлик қилдилар. Шаҳрисабз районидагн Жўра Элбоев номли жамоа хўжалигидан И. Абдуллаев зангорн кема ёрдамида 223 тонналик хирмон уйдн. Қамашн районидагн Ғагарин номли давлат хўжалигидан Х. Эшмуродов, Қаршн районидагн Карл Маркс номли давлат хўжалигидан З. Ғаннев, Ульянов районидагн «Москва» давлат хўжалигидан И. Равшанов бугунгача 170—192 тоннадан дур теришдн.

Бу йил кўлмингкилограммчилар ҳаракати ҳам кенг қулоч ёйдн. Юзлаб чеварлар знммаларига олган шахсий мажбуриятларнн ошириб бажардилар. Улар орасида Усмон Юсупов районидагн 26-совхоздан А. Эшмуродова, Косон районидагн «Шарқ юлдузн» колхозидан З. Итолмасова, Қаршн районидагн «Ленинизм» колхозидан З. Сатторова, Яккабоғ районидагн «Қизил юлдуз» колхозидан Г. Бердиева ва бошқалар бор.

Қашқадарёлик заршунослар йиғим-теримни қизғин давом эттиришаяпти. Вилоят хўжаликларида режадан ташқари камида 50 минг тонна оқ олтин тайёрлаш имконнятн бор.

ЖЕНОВЛИК МАРДУ МАЙДОНЛАР

Женов — Қашқа воҳасидаги қадимий қишлоқ. У ўзининг асл чорвадорлари, хушовоз хонандалари, сабзавоткору боғбонлари билан донг таратган. Ахдига вафодор пахтакорлари ҳақида эса ҳар қанча ёзсангиз оз. Бу гал биз уларнинг ҳузурига айни йиғим-терим қизғин паллага кирган кунларнинг бирида келдик.

Ульянов номли давлат хўжалиги директори, Узбекистон ССЖ халқ депутати Муродилло Саидов ҳамроҳлигида Ленин ордени соҳиби Мавлонберди Оллобердиев бошқараётган бўлим далалари томон отландик. Йўл-йўлакай Муродилло ака мавсумнинг борнши ҳақида бундай деди:

— Мавлонберди Оллобердиев етакчи бўлган бўлимда мард пахтакорлар уюшган. Ҳар йили зиммадаги режа ва мажбуриятлар ошириб ўринлатаётганлигининг боиси шундан. Ўтган йили топшириқ 120 фоиз адо этилганди. Жорий йилда бу кўрсаткич 150 фоиздан ошади.

Бўлим пахтазорларида бўлганимизда, директорнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Негаки, зафар маррасини хўжаликда биринчилар қаторида эгаллаган тўртта бригада ана шу бўлимдан эди. Район Советининг аъзоси, ноҳия кенгаши доимий комиссиясининг раиси Усмонқул Бозоров, Субҳон Бобомуродов, Сафар Рўзиев ва Иброҳим Тошқулов бошлиқ жамоаларда биринчи теримдаёқ гектар ҳисобига 28—32 центнердан пахта олинибди.

Сафар Рўзиев бошлиқ бригада далаларида 4 та зангори кема сузиб юрибди. Хирмонжойда бригадирнинг ўзини учратдик. Салом-аликдан сўнг Муродилло ака ундан сўради:

— Сафарбой, иккинчи теримда гектаридан қанча ҳосил олинаяпти?

— 12 центнердан тушмоқда, — мамнун жавоб қилди Сафар Рўзиев.

— Демак, ҳосилдорлик 40 центнердан ошаяпти, шунда-ймн?

— Ҳозирча 41 центнерни ташкил этмоқда.

Ҳусен Сафаров бошлиқ бригада деҳқонларининг ҳам шашти баланд. Улар 66 гектар ерда баракали ҳосил етиштиришди. 41 гектарлик картада 4 та машина тўла қувват билан ишламоқда. Биз механик-ҳайдовчилар билан суҳбатлашдик.

— Иш ҳақи ҳақида нима дейсиз?

— Бу йил тоннасига 15 сўмдан ҳақ олаяпмиз.

Директор суҳбатга аниқлик киритди.

— Жумҳурият ҳукуматининг қарорига биноан машинада терилган пахтанинг тоннасига 10 сўм иш ҳақи тўланиши лозим, — деди у. — Лекин маъмурият, партия ва касаба уюшмаси комитетлари оқ олтинни нест-нобуд қилмасдан, сифатли терган механизаторларга 15 сўмдан ҳақ беришга қарор қилишгач.

Мавлонберди Оллобердиев бошлиқ бўлим пахтакорлари бугўнга қадар давлатга 545 гектар майдондан 1.300 тоннадан знёд оқ олтин сотишди. Ялпи ҳосилнинг 90 фоизи машиналар ёрдамида саранжомланди. Дилмурод Ҳасанов, Ҳусан Ҳамроев, Танги Ҳақбердиев, Раҳим Бозоров сингари дала даргалари уйган хирмон эса 100—120 тонадан ошди. Гарчи пахта тайёрлаш бўйича режа ва мажбуриятлар аллақачон бажарилган бўлса-да, ҳар куни хирмонга 4 фоиз миқдорида хом ашё топширилаяпти.

У. РАҲМОНОВ,
Ҳ. ПРИМҚУЛОВ.

Фарғона

ВОДИЙДА БИРИНЧИ

Фарғона вилоятн пахтакорлари КПСС XXVIII съезди ва Узбекистон Компартнясининг XXII съезди қарорлари ҳамда кўрсатмаларини бажара бориб, пахта тайёрлаш йиллик режасини муддатидан илгарн — водийда биринчн бўлиб бажардилар. Ватан омборларига 457 минг тоннадан знёд қиммат-баҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Ҳар гектар майдондан қариб 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ялпи хом ашёнинг 90 фоизи юқорн навларга сотилди.

Эришилган меҳнат ғалабасида районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, депутатлар, партия, совет, касаба уюшмаси ташкилотлари, комсомолларнинг фидокорона ғайрат-шижоатлари мужассамлашганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Бу йилги мавсумнинг ўзига хос томони шуки, пахтакорларнинг мустақил ҳаракат қилишларига, ижодий ва эркин меҳнат билан шуғулланишларига имкон яратиб берилди. Уларнинг ишига ҳуда-беҳуда аралашавериш, бўлар-бўлмас йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беришдан яроқсиз буйруқбозлик усуллари барҳам топди. Жойларга вакиллар юборишдек нотўғри тажрибадан воз кечилди. Пахтачиликка фан тавсияларн, илғорлар тажрибасн кенг жорий этилди. Вилоят хўжаликларида ўн минглаб ижарачи звено ва оилалар фаолият кўрсатиб, ғалабага баракали ҳисса қўшдилар.

Жумҳурият ҳукуматининг қарорига биноан терилган пахтага тўланадиган ҳақнинг оширилганлигн суръатни жадаллатишни таъминлади. Одамларни мажбурий равишда далага олиб чиқиш, оммавий сафарбарлик, ҳайбаракаллачилик сингари салбий одатларга чек қўйилди. Ишчи-хизматчилар, ўқувчи-ёшларни теримга жалб этиш барҳам топди. Йиғим-теримн ишлари айниқса Узбекистон районида намуналн йўлга қўйилди. Бу район меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик режасини вилоятда биринчн бўлиб уддаладилар. Айни пайтда Ленинград, Фрунзе, Тошлоқ, Риштон, Ёзёвон районларининг ахдига вафодор пахтакорлари ҳам социалистик мажбурият ҳисобига оқ олтин топширмоқдалар.

Утган йилларда тўпланган бой тажрибага таянилган ҳолда тармоқда механизациялашнинг кенг қўлланилиши яхши самара берди. Машина теримн учун ажратилган майдонлардагн ғўза машинабоп қилиб ўстирилди. Мавжуд 90 минг гектар ерда кимёвий дорилаш ўз вақтида, сифатли ўтказилди. Пайкалларга қариб 2000 та агрегат олиб кирилди. Машиналарнинг юксак унум билан ишлашига, механик-ҳайдовчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Пировардида уларнинг ёрдамида 150 минг тоннадан ортиқ пахта саранжомланди. Узбекистон, Фрунзе, Риштон районларида эса ҳосилнинг асосий қисми бункерлардан тўкилди. Беллашувда Узбекистон районидагн «Қўқон» давлат хўжалигидан Иномжон Жўраев, «Қолгандарё» давлат хўжалигидан Нуъмонжон Солиев, Фрунзе районидагн «Коммунизм» давлат хўжалигидан Расулжон Насриддинов, Риштон районидан Муҳаммаджон Шарипов, Ёзёвон районидан Шавкатжон Тошматов, Тошлоқ районидан Ҳомиджон Шералиев, Қува районидан Юсуфжон Шерғозиев каби суворийлар пешқадамлик қилдилар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 140—257 тонна хирмон уйди.

Қатор хўжаликлар ва бригадаларда юқорн кўрсаткичларга эришилди. Ленинград районидагн Энгельс номли жамоа хўжалигида 1.335 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39,5 центнердан пахта тайёрланди, Фарғона районидагн «Фарғона» давлат хўжалигн, «Коммунизм» жамоа хўжалигн, Қува районидагн «Коммунизм» жамоа хўжалигн ва Фарғона шаҳридагн «Солижонобод» давлат хўжаликларида топшириқ 110—130 фоиз уддаланди. Узбекистон районидагн «Қолгандарё» давлат хўжалигидан Г. Алиев, «Қўқон» давлат хўжалигидан А. Бегматов, Тошлоқ районидагн Карл Маркс номли жамоа хўжалигидан Э. Муродова, Ёзёвон районидагн «Правда» давлат хўжалигидан О. Узоқов, Фрунзе районидагн «Сирдарё» давлат хўжалигидан Д. Нишонов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 27—28 центнер ўрнига 35—36 центнернн ташкил этдн. Юзлаб теримчилар эса 7—9 тоннадан пахта териб топширдилар. Фрунзе районидагн Калинин номли давлат хўжалигидан С. Мирсаидова, Карл Маркс номли жамоа хўжалигидан Х. Деҳқонова, Тошлоқ районидагн Ленин номли жамоа хўжалигидан С. Кичанова, Ёзёвон районидагн Ленин номли жамоа хўжалигидан Э. Йўлдошева, Узбекистон районидагн «Қўқон» давлат хўжалигидан К. Исмоилова каби чеварлар шулар жумласидандир.

Вилоят хўжаликларида пахтачилик билан бир қаторда пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва полизчиликда, чорвачилик маҳсулотларн етиштириш ҳамда давлатга сотишда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу тармоқларнинг меҳнаткашлари йилни муносиб ютуқлар билан якунлашга ҳаракат қилмоқдалар. Пахтакорлар эса ялпи ҳосил салмоғнни 500 минг тоннага етказнш йўлида йиғим-теримни тобора қизитишаяпти.

Фарғона вилоятн пахтакорлари қўлга киритган ғалабада Охунбобоев ва Олтариқ районлари заршуосларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар бугун-эрта йиллик марраии забт этадилар.

СУРАТЛАРДА: Охунбобоев районидагн А. Ниёзов номли давлат хўжалигининг механизатор-бригада бошлиғи Холдорали Ҳотамов; шу жамоа далаларида машина теримн пайтн (пастда); Олтариқ районидагн Ленин номли жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Турғуной Бозорова.

Т. КАМОЛИДДИНОВ олган суратлар.

ПУДРАТНИНГ ҚУДРАТИ

Бўлимимиз пахтакорлари жорий йилда 450 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар майдондан 32 центнердан знёд хирмон кўтардилар. Қабул пунктига 1.424 тонна ўрнига 1.470 тонна юқорн нав оқ олтин топширилди.

Шуниси қувончлики, йиллик режа биринчн терим ҳисобига бажарилди. Ҳосилнинг 80 фоизи ёки 1.120 тоннаси машиналар ёрдамида йиғиб-териб олинди. Бу соҳадагн топшириқ 150 фоиз уддаланди. Ҳар агрегатнинг иш унуми 112 тоннани ташкил этди. Беллашувда Х. Хонимқулов, Х. Тожиев, И. Давронов, Р. Кўзиев, А. Мадаминов каби суворийлар ўзларини кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири ҳозирга қадар 110—170 тонна хирмон уйди.

Ижара пудрати асосида иш юритиш муваффақиятни таъминлашда муҳим омил бўлди. 454 нафар ижарачи шартнома асосида ишлаб, юқорн натижаларга эришдилар. Улар якунда 800 минг сўм даромад олишни мўлжаллашаяпти. М. Абдуллаев, М. Ботиров, Х. Шерматов каби миришкорлар эса ҳозирнинг ўзидаёқ бир гектар майдон ҳисобига 1.600 сўмдан 3.071 сўмгача наф кўришди.

Толибжон ОТАБОЕВ,
Киров районидагн «Партия XX съезди» давлат хўжалигн «Ленинизм» бўлимнинг бошқарувчнси, Узбекистон ССР халқ депутатн.

РАСУЛ МАҲКАМ ХУМОРДАН ЧИҚДИ

Энди таққослаб кўрнг: ўша «мўъжаз» колхоз идорасида камида 50 кнши қамишдан бел боғлаб хизмат қилиб, «ризқини теріб еяптн». Маҳкамовнинг идорасидаги хизматчилар эса 10 кишидан ортмайди. Бўлим чорваси, ғаллаю пилласи, боғу полизи ҳам унча-мунча колхозникидан қолишмайди. Агар «Оққўл» қовунини эшитган бўлсангиз, у худди мана шу жамоа далаларида етиштирилади.

Пахтакорлар йиллик режани бажарган куни «Ҳорма, бор бўл!» қилиб, дала айландик. Ҳар туп ғўзадагн чаноқлар тизмнни санаб, ҳосил чўтнга маҳлиё бўлганнмиз. Ҳар бирнинг иш унуми 170 тоннадан ошди. Норматжон Ҳотамов, Алибой Раҳмонов, Алижон Абдиев, Комилжон Оқбоев каби суворийлар ана шу кўрсаткичнн 190—220 тоннага етказдилар.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чнройлик деганларидек, бўлим қишлоқлари йил сайин ободонлашиб, кўркам тус олмоқда. Кейинги йилларда бу ерда 844 ўринли мактаб, иккита шифонн, ҳашар йўли билан чойхона қурилди. Ягона сув тўплагич барпо этилаяпти. Эски Оққўл йўли асфальтланмоқда. Барча қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш учун лойиҳа тузилаётир. Энг муҳими — одамлар тинч-хотиржам, ўз ишлари билан банд. Бу йилги ҳосил мўл бўлганидан, турмушлари яхши изга тушиб бораётганидан ҳамманинг кўнгли тўқ. Устига устак кўплаб онлалар йил бошида ажратилган томорқаларидан хилма-хил маҳсулотлар етиштириб олдилар. Уй-жой қурилиши эса авж олиб кетган. Ана шуларни кўриб, ҳозир нафақат Расулжон Маҳкамов, балки соф, эзгу ниятли ҳар бир киши хумордан чиқиб меҳнат қилаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

М. МАМАТҚУЛОВ.

Район, совхоз раҳбарлари шундай дейишди. Сабабини сўрасак, бир суҳбатлашиб кўрсаларинг, билиб оласизлар, дея маслаҳат беришди.

Ўрта бўйли, қотмадан келган, кўзлари тийрак Расул Маҳкамовнинг ҳар бир гапсўзида қатъият, сермулоҳазалик, билим ва тажриба уйғунлиги сезилиб туради. Кўпчилик ундаги қатъият, иродa, бир сўзлиликни ўзгаликка йўяди. Бултур у бошқараётган Энгельс номли бўлимда пахта бироз кечки бўлиб, режа район ва совхоздан кейин бажарилди. Расул Маҳкамовнинг «ўзгарлиги» тутиб, тантаналарга бормади, ҳатто касал бўлиб қолди. Бу йил эса меҳнат аҳли маррага районда биринчи бўлиб етиб келди. Одамлар Р. Маҳкамовнинг юзида чинакам табассум, ҳурсандчилик аломатларини кўришди. Бошқарувчининг хумордан чиққанлиги боиси мана шу эди.

Шу ўринда Р. Маҳкамов қариб 15 йилдан бери раҳбарлик қилаётган бўлим ҳақида икки оғиз сўз. Бўлим деб атаяпмиз-у, аслида у ўртача колхозга тенг келадиган жамоадан иборат. Ҳозир баъзи районларда 600—700 гектар ерга чигит экаётган колхозлар кўп. Энгельс номли бўлимда эса бу йил 700 гектар майдонда ҳосил етиштирилди. Хирмон ҳам чакки эмас — 2,5 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрланди.

Сирдарё бўйидан чиқиб қолганимизни ҳам сезмабмиз. Бу ердаги қарталарнинг бир қисми шўрхок, айрим майдонлар эса қумлоқ. Ана шундай мураккаб шароитда гектар бошига 34,5 центнердан пахта етиштириш осон эмаслигини фақатгина ерга кетмон уриб, чигит эккан одам билади. Мўминжон Ҳайитов, Носиржон Қўчқоров, Эркинжон Арслонов, Бердиали Эргашев, Давронбой Нишонов бошлиқ бригадаларда эса ҳозиргача ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этди.

Бу йил Фрунзе районидаги «Сирдарё» совхози машинада пахта теришда юксак кўрсаткичларга эришди. Бу борада ҳам улоқни Энгельс номли бўлим механизаторлари олиб кетишди. Улар 10 та агрегат ёрдамида 1.700 тонна пахта саранжомлашди. Ҳар бирининг иш унуми 170 тоннадан ошди. Норматжон Ҳотамов, Алибой Раҳмонов, Алижон Абдиев, Комилжон Оқбоев каби суворийлар ана шу кўрсаткични 190—220 тоннага етказдилар.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чнройлик деганларидек, бўлим қишлоқлари йил сайин ободонлашиб, кўркам тус олмоқда. Кейинги йилларда бу ерда 844 ўринли мактаб, иккита шифонн, ҳашар йўли билан чойхона қурилди. Ягона сув тўплагич барпо этилаяпти. Эски Оққўл йўли асфальтланмоқда. Барча қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш учун лойиҳа тузилаётир. Энг муҳими — одамлар тинч-хотиржам, ўз ишлари билан банд. Бу йилги ҳосил мўл бўлганидан, турмушлари яхши изга тушиб бораётганидан ҳамманинг кўнгли тўқ. Устига устак кўплаб онлалар йил бошида ажратилган томорқаларидан хилма-хил маҳсулотлар етиштириб олдилар. Уй-жой қурилиши эса авж олиб кетган. Ана шуларни кўриб, ҳозир нафақат Расулжон Маҳкамов, балки соф, эзгу ниятли ҳар бир киши хумордан чиқиб меҳнат қилаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

М. МАМАТҚУЛОВ.

Сиз суратда кўриб турган Шарифжон Валижонов (чапда) Бўка районидаги Ҳамза номли жамоа хўжалиги қошида ташкил этилган «Дўстлик» ширкатига бошчилик қилаётир. Улар 89 гектар майдонни ижарага олишган. Бу ерларда пахта, помидор, сабзи, карам, картошка етиштирилади. Бундан ташқари боғдорчилик, чорвачилик билан ҳам шуғулланишади. Ширкатнинг 110 аъзоси бор. Банкда алоҳида ҳисоби очилган, ўз муҳрига эга. Ширкатчилар шу кунларда қурилиш ишларини ҳам бажаришаяпти. Омилкорлик туфайли сўмга сўм қўшилиб, иқтисодий аҳвол яхшиланмоқда. Барча ҳисоб-китоб ишларини ҳисобчи Абдулҳай Абдуқаюмов (суратда, ўнгда) олиб бораяпти.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз сут-товар фермасида моҳир сигирсоғарлар кўп. Муҳаббат Ҳақбердиева — уларнинг бири. У жорий йилда қарамоғидаги 25 бош говмишнинг ҳар қайсисидан камида 2.400 килограммдан сут соғишга сўз берган. Айни кезларда молларга тўйимли озуқа бериб, ҳар биридан кунига 9—10 килограммдан сут олмоқда.

СУРАТДА: илғор чорвадор Муҳаббат Ҳақбердиева.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

Қайта қуриш меъморлари

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

Кўк юзини паға булутлар қоплади. Ҳаво совиб, шивалаб ёмғир ёға бошлади. Фахриддин ялпоқларни ширт-ширт босганча қадамини тезлатди. Дала шийпонига етиб келганида бригада аъзолари уни сабрсизлик билан кутиб туришарди.

— Ҳечқиси йўқ, асосий ҳосилни йиғиштириб олдик. Уч кунда қирмизи узумларни ҳам саранжомлаймиз, — деди Азим ота Абдуллаев.

Фахриддин Комилов ишни жонлантириш, маҳтал бўлиб турган ноз-неъматни истеъмолчиларга сифатли қилиб жўнатиш ҳақида соҳибкорларга йўл-йўриқлар берди. Раисга сим қоқиб, қўшимча аравалар ажратишни илтимос қилди. Сўнг тушликка тайёрланаётган овқатнинг сифати билан қизиқди. Цех партия ташкилоти котиби мусобақа голибларига эсдалик совғалари, пул мукофоти бериш таклифини илгари сурди. Шу орада қуёш жамол кўрсатди. Соҳибкорлар узумлари олтиндек товланиб турган токзор оралай кетдилар. Саркор ширин сўзи, маслаҳати билан каттаю кичикни рағбатлантириди. Яшикларни араваларга ортишга ёрдамлашди. Шу куни бригада белгиланганидан ярим тонна кўп узум узишга эришди.

Тошкент районидаги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигида бўлсангиз қайта қуриш меъморлари қаторида Фахриддин Комилов номини фахр билан тилга олишади. Бу уста соҳибкор ишбилармонлиги билан барчага намуна бўлмоқда. КПСС аъзолигига ўтгандан бўён табаррук номни ҳалол меҳнат билан шарафлаяпти. Фахриддин ака камтар, камсуқум, ҳамиша халқ манфаатига қайишади. Лоқайд, учар, иккиюзламачи кишиларни ёқтирмайди. Камчиликни, кўзбўямачиликни сездими илдизига болта уради.

Фахриддин 1979 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугаллагач, қадрдон хўжалигига қайтди. Олийгоҳда олган билимларини амалиётга жорий этди. Зараркўнандаларга қарши курашда биологик усуллардан унумли қўлланди. Заминни эъзозлади, лаёқатли шогирдлар тайёрлади.

Бир куни 9-бригада шийпонида 2-бригададаги аҳвол ҳақида жиддий гап борди. Тажрибакорлар, мутахассислар уни қолоқликдан олиб чиқиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида бош қотиришдилар. Шунда кекса соҳибкор Азим ота Аҳмаджонов йиғилганларга деди:

— 2-бригадада чиндан ҳам мушкул аҳвол юзага келган. Йиллар мобайнида бир хил экин экиб, ерга жабр қилинди. Одамларнинг қўйнига қўл солиб кўрдим. Ҳеч кимнинг ишлагиси йўқ. Тажрибали боғбонлар ҳам рўзғор тебратиш учун томорқага зўр беришаяпти. Маҳаллий шароитни, одамларни яхши биладиган, софдил киши бригадага бошлиқ этиб тайинланиши керак.

Ота Фахриддин Комилов номзодини тилга олди. Навбатдан ташқари чақирилган партия йиғилишида коммунистлар уни якдил қўллабқувватладилар. Ёш бригадир биринчи кунданоқ аъзоларининг яшаш шароити, турмуш тарзи билан танишди. Хўжалик бошқаруви раиси, касаба уюшмаси комитети ёрдамида энг зарур нарсаларни харид қилишга ёрдамлашди. Карл Маркс номли, Навоий номли колхозларда бўлиб, илғорлар тажрибасини қунт билан ўрганди. Бригада пудратини биринчилардан бўлиб жорий этди. 60 оила хўжалик билан шартнома тузди. Фахриддин ака илғор усул афзалликлари, унинг иқтисодий моҳиятини ҳар бир боғбону соҳибкорга қунт билан тушунтирди. Тадбирларни амалга оширишда коммунистларга, мутахассисларга суянди.

Илғор усул туфайли колхозчилар эрк ва имтиёзга эга бўлдилар. Ерга бўлган муносабат ўзгарди. Боғлар, экинзорларда яратувчилик меҳнати авж олди. Ташландиқ жойлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилина бошланди. Бригада биринчи йилиёқ узумдан ташқари сабзавот, мева, помидор етиштиришга киришди. Барча бир ёқадан бош чиқариб мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш учун астойдил курашди. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди. Токзорларда, далаларда мўл ҳосил яратилди. Ҳал қилувчи паллага ҳам масъулият билан киришдилар. Помидор, карам, пиёз ва бошқа неъматлар топшириш юзасидан белгиланган режа 120—180 фоизга адо этилди. Бу муваффақиятда Азим Аҳмаджонов, Тоир Шокиров, Ҳусан Тожибоев каби ижарачиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Биз ижарачи М. Иноятов билан йил якунлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Авваллари бўлар-бўлмас аралашавериб, деҳқонни ҳоли-жонига қўйишмасди, — деди Маҳмуд ака далаларга ўйчан тикилиб. — Не ҳасратда йиғиштирилган ноз-неъмат базъида кунлаб далада маҳтал бўлиб ётарди. Пудрат масъулиятни, иштиёқни кучайтирди, ички имкониятлардан унумли фойдаланишга ундади. Оила аъзоларим билан ерни ижарага олдик. Қисталанг дамларда қадрдонларимни ҳашарга айтдим. Агротехник тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилди. Яна бир муҳим жиҳати — ёшларда деҳқончиликка кўникма ҳосил бўлмоқда. Ўрта мактабни битириб қадрдон колхозида қолиб ишлашни ихтиёр этаётганлар сафи кенгаяётганлиги ҳам шундан. Оила аъзоларим билан бу йил баракали хирмон кўтардик. Истеъмолчиларга 1870 килограмм бодринг, 13 тонна помидор, 5 тонна пиёз жўнатдик. Бу белгиланганидан кўп. Дастлабки ҳисоб-китоблар даромадимиз 9 минг сўм атрофида бўлишини кўрсатяпти.

Айни кунларда пешқадам бригада аъзолари токзорлардаги сўнгги ҳосилни йиғиштириш билан бирга кузги юмушларни намунали олиб боришаяпти. Фахриддин ака шундай деди:

— Бахтим шуки, ҳаётда фақат яхши одамлар билан ошно бўлиш насиб этди. Уларнинг беминнат ёрдамида бахтимни топдим. Олтин —зангламас! Партия учун оғир шароитда муқаддас партия билетини шармандаларча ёқаётган, КПСС сафидан намойишкорона чиқаётган кимсаларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораладим. Ўғзига кучи етмаган қалтабинлар билиб қўйишсин: қайта қуришни амалда ёқлаётган, қимматли вақтни зое ўтказмай далаларда, фермаларда, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида сидқидил тер тўкаётганларгина ўз халқининг ҳақиқий жонкуярларидир. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейдилар. Валломат бўлса ҳам садоқатини амалда намойиш этсин.

А. ИУЛДОШЕВ,
журналист.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

16 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси янги комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу комиссиянинг асосий вазифаси ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборатдир. Мажлисни комиссия раҳбари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидов бошқарди.

Фуқароларнинг сиёсий-лаштирилган мустақил ташкилотлари ва бирлашмалари ҳозир Ўзбекистонда жуда фаол ишламоқда. Партия эса улар билан ҳамкорлик қилишдан ўзини четга ололмайди ва бундай қилмаслиги керак — комиссияни тузиш учун сабаб бўлган асосий омил ҳам ана шудир. Айни шу комиссия норасмий гуруҳлар билан олиб бориладиган ишни мувофиқлаштириб туриши керак бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари комиссиясининг биринчи мажлисида комиссия таркиби, унинг низоми, иш режаси тасдиқланди, раис ўринбосари ва комиссия котиби сайланди.

Мажлисда ижтимоий-сиёсий жараёнларни ижтимоий таҳлил ва фараз қилиш, ўзбек тилида, тожик тилида ҳамда рус тилида иш юритадиган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишлаш шўъбалари тузилди; Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти учун оператив жавоб ҳаракати гуруҳлари ташкил этилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши қўмиталарида

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши маданият, фан, халқ маорифи ҳамда маданий меросни сақлаш, шунингдек қурилиш, меъморчилик, уй-жой-коммунал хўжалик ва ободонлаштириш қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлди. Жумҳуриятимизда тўққиз ой мобайнида мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари қурилишининг аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши, План давлат қўмитасининг масъул ходимлари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бир қанча ижроия комитетлар, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосарлари қатнашдилар. Мажлисни қўмиталарнинг раислари А. Асқаров билан А. Ҳабибуллаев олиб бордилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши маданият, фан, халқ маорифи ва маданий меросни сақлаш қўмитаси раисининг ўринбосари А. Қўчқоров ахборот берди.

Муҳокама чоғида ҳозир мавжуд бўлган 8075 та умумий таълим мактабининг атиги 61 фоизи типовой биноларга жойлашгани, мактабларнинг 70 фоизида икки ва уч сменада машғулотлар олиб борилаётганлиги қайд этилди. 1200 тадан кўп мактаб биноси авария ҳолатида турибди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг атиги 36,8 фоизи мактабгача болалар муассасаларига қатнайди, бу кўрсаткич иттифоқ бўйича ўрта ҳисобда 60 фоизни ташкил этади.

Халқ депутатлари Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ижроия комитетлари ва қурилиш ташкилотларининг иши ижобий баҳоланди. Улар шу йилнинг тўққиз ойида мактаб ва мактабгача болалар муассасалари қурилиш режаларини 123—106 фоиз қилиб бажарилишини таъминладилар. Шунингдек, пудрат ишлари режасини адо этган Ўзбекистон ССЖ Сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитасининг фаолияти ҳам ижобий баҳоланди.

Айни вақтда умуман жумҳуриятимизда ана шу мақсадлар учун ажратилаётган капитал маблағлар кейинги йилларда ўзлаштирилмаяпти, режалар эса бажарилмасдан қолиб кетяпти. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари бўйича мактаблар қурилишнинг тўққиз ойлик режаси 80 фоиз, мактабгача болалар муассасаларини қуриш режаси 76 фоиз, корхоналар маблағлари ҳисобига мактаблар қуриш 65 фоиз ва мактабгача болалар муассасалари қуриш 37 фоиз бажарилди.

Бундай қолоқликка йўл қўйилаётганлигининг сабаби шундаки, вазирликлар, идоралар ҳамда вилоятларнинг кўпгина раҳбарлари халқ маорифининг аҳамиятига етарли баҳо бермаяптилар, ушбу ҳаётий муҳим тармоқ моддий базасини мустаҳкамлашга масъулият билан ёндошмаяптилар.

Чунончи, Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети мактабларни фойдаланишга топшириш тўққиз ойлик режасини 86 фоиз, мактабгача болалар муассасалари қуриш режасини 87 фоиз, Тошкент шаҳар бош қурилиш бошқармаси эса 53,4 ва 50,2 фоиз бажарди. Жумҳурият Қурилиш вазирлиги мактабгача болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш вазифасини 77,2 фоиз бажарди, Сув хўжалиги вазирлигида аҳвол бундан ҳам ёмон.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятлари, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах вилоятларида мактаблар ва мактабгача болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш режаларини бажаришда ташвишли вазият юзага келганлиги мажлисда таъкидланди.

Халқ маорифи иншоотларини фойдаланишга топшириш режалари барбод бўлаётганлигининг сабаби кўп жиҳатдан жумҳурият Молия-техника таъминоти давлат қўмитаси, жумҳурият Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги идоралари ва бошқа маҳсулот етказиб берувчилар ресурсларни, бутловчи ускуналарни етказиб бермаётганлиги билан боғлиқдир. Масалан, жумҳуриятимиз Сув хўжалиги вазирлигининг йўли билан бунёд этилаётган халқ маорифи иншоотлари учун дераза ромлари етказиб бериш йиллик режаси тўққиз ойда атиги 35,5 фоиз, эшик етказиб бериш 42 фоиз, зарур ёғочлар билан таъминлаш 39 фоиз, ёғоч-тахта етказиб бериш 45 фоиз, гишт етказиб бериш эса 64 фоиз бажарилган, холос.

Ўзбекистон қурилиш-ёғочсозлик саноати бошқармаси жумҳуриятнинг Қурилиш вазирлиги иншоотлари учун тўққиз ой ичида 21,5 минг кубометр ёғочни кам етказиб берди. Моддий-техника таъминоти давлат қўмитасининг ташкилотлари пўлат қувурлар етказиб бериш режасини атиги 47 фоиз уддалади. Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги, жумҳуриятнинг Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети бинокорлик материалларини етказиб беришда анча орқада қолди. Жумҳуриятнинг бошқа вазирликлари ва идоралари бўйича халқ маорифи иншоотларини ресурслар билан таъминлашдаги аҳвол ҳам яхши эмас.

Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги фойдаланишга топширилаётган мактаблар ва мактабгача болалар муассасаларини ускуналар билан жиҳозлашга яхши эътибор бермаяпти, бунга тоқат қилиш мумкин эмас, — дейишди сўзга чиққан кишилар.

Мажлисда давлат мактаблар ва болалар боғчалари қурилишини ўз ҳимоясига олишга мажбурлиги, у ҳеч қачон бозор иқтисодиёти таъсири остида қолдирилмаслиги кераклиги таъкидланди. Бундай иншоотлар сифатли қурилишини таъминлаш керак. Мактабларда, айниқса янги мактабларда спорт зали, ҳовуз, ошхона ва буфет, ижтимоий-маиший хизмат хоналари, албатта бўлиши лозим.

Ҳозир икки мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган катта мактаблар қурилиши ўзини оқламаяпти, дейилди мажлисда. Бу айниқса синф хоналарини амалда тўлдириш қийин бўлган ва қўшни қишлоқлардан болаларни жалб этишга тўғри келадиган қишлоқ жойларга тегишлидир. Икки юз-уч юз ўқувчига мўлжалланган мактаблар лойиҳасини кўпроқ амалда қўлланиш, шунингдек табиий иқлим шароитларини, ўзбек халқининг маданий-тарихий анъаналарини ҳисобга олиб, мактаб биноларига қўшимча иншоотлар бунёд этиш тавсия қилинди.

Умумий таълим мактаблари ва болалар боғчалари қурилиши муаммолари билан боғлиқ бошқа кўплаб истаклар ҳам айтилди.

Мажлис қатнашчилари муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар, қарорда халқ депутатлари вилоят кенгашларининг кўпгина ижроия комитетлари, вазирликлар ва идоралар мактаблар ҳамда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини қуриш юзасидан олиб бораётган ишлари қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши, План давлат қўмитаси ва уларнинг бўлинмалари мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилиши учун ажратилган маблағлардан қандай фойдаланаётганлигини суст назорат этмоқдалар, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий кенгашларнинг ижроия қўмиталари раҳбарларига талабчанлик қилмаяптилар. Тегишли халқ депутатлари кенгашларидан, жумҳурият вазирликлари ва идораларидан халқ маорифи, маданият иншоотлари қурилишига муносабатни тубдан ўзгартириш талаб этилди. Уларга бундай иншоотлар қурилиши режаларини бажаришга алоҳида эътибор беришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф қилинди.

Вазирликлар, идоралар, қурилиш ва таъминот ташкилотларининг раҳбарлари бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан қурилишларни ресурслар билан таъминлашда кўпроқ ташаббускорлик, омилкорлик кўрсатишлари ва топқир бўлишлари, бевосита ишлайдиганлар ва маҳсулот етказиб берадиганлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилишини ҳар томонлама рағбатлантиришлари керак.

Моддий-техника таъминоти давлат қўмитаси, Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги, Ўзбекистон Ёғочсозлик саноати бошқармаси ва бошқа идораларга халқ маорифи ва маданияти иншоотларини ресурслар билан таъминлашга жуда катта эътибор бериш вазифаси юклатилди.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

Жумҳурият районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Районлар	Жами тайёрланган пахта	Шу жумладан машинада терилгани
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ		
Гурлан	107,94	59,10
Шовот	106,28	44,98
Урганч	105,42	79,42
Янгибозор	105,15	102,23
Янгариқ	103,45	70,34
Хонқа	102,74	89,17
Ҳазорасп	101,94	25,98
Хива	96,38	24,00
Боғот	92,16	42,18
Қўшкўпир	91,19	48,58
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Ангор	108,82	117,05
Шўрчи	106,55	119,73
Жарқўрғон	104,94	130,70
Шеробод	104,65	112,42
Термиз	101,12	117,45
Қумқўрғон	100,10	112,86
Олтинсой	97,76	123,95
Ленин йўли	96,81	113,80
Сариосиё	96,56	92,50
Гагарин	96,42	111,31
Бойсун	94,35	138,26
Денов	93,68	67,34
БУХОРО ВИЛОЯТИ		
Шофиркон	106,14	18,76
Свердлов	105,68	75,48
Олот	105,32	67,72
Бухоро	104,39	63,62
Ромитан	102,55	84,08
Ғиждувон	101,27	28,80
Пешқу	101,08	63,51
Вобкент	101,03	56,87
Қоракўл	100,75	42,94
Когон	97,48	79,26
Навбаҳор	8927	82,20
Қизилтепа	88,09	17,91
Навоий	83,81	82,86
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Қарши	105,67	124,00
Косон	104,41	108,79
Ульянов	103,85	119,43
Ғузор	102,95	51,01
Қамаши	102,74	121,45
Чироқчи	101,85	66,94
Нишон	100,02	130,62
Усмон Юсупов	98,73	108,84
Муборак	98,46	125,74
Яккабоғ	9142	52,88
Шаҳрисабз	91,40	69,57
Китоб	85,40	70,60
Баҳористон	81,60	90,55
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ		
Ўзбекистон	108,00	126,99
Ёзёвон	104,64	86,53
Ленинград	104,56	25,42
Фрунзе	103,64	127,67
Тошлоқ	102,17	57,46
Риштон	101,64	93,89
Фарғона	100,64	38,88
Қува	100,29	42,44
Боғдод	96,56	39,16
Бувайда	96,02	16,42
Охунбобоев	95,69	66,05
Олтиариқ	94,74	54,75
Киров	86,89	62,87
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ		
Комсомолобод	107,70	111,59
Бўз	105,04	107,36
Балиқчи	102,14	86,60
Марҳамат	100,94	96,57
Олтинкўл	100,27	44,28
Андижон	100,08	65,10
Ғўрғонтепа	98,68	90,15
Хўжаобод	98,05	52,98
Избоскан	97,89	78,93
Ленин	97,08	61,04
Жалолқудуқ	97,07	118,63
Пахтаобод	92,21	73,97
Москва	88,65	47,52
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ		
Янгиқўрғон	106,80	—
Чортоқ	106,55	42,80
Наманган	105,78	43,46
Тўрақўрғон	103,40	40,97
Норин	102,70	111,01
Поп	98,22	95,36
Уйчи	97,12	33,31
Задарё	96,26	110,29
Учқўрғон	95,80	105,03
Косонсой	94,51	126,36
Чуст	73,66	49,60
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ		
Ўрта Чирчиқ	104,93	128,88
Коммунистик	103,36	122,06
Бўка	94,33	108,18
Ғалаба	91,40	105,40
Чиноз	91,24	89,32
Оққўрғон	91,22	101,03
Бекобод	90,91	91,55
Пискент	90,77	91,50
Янгийўл	77,57	78,62
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Меҳнатобод	111,51	129,62
Комсомол	95,35	109,82
Боёвут	92,71	108,98
Ворошилов	92,03	112,77
Ховос	91,52	108,92
Сирдарё	87,95	98,19
Оқолтин	86,35	89,69
Ильич	83,16	88,95
Гулистон	83,10	97,18
ҚҚАССР		
Амударё	96,47	92,08
Элликқалъа	94,22	88,81
Хўжайли	92,04	116,90
Беруний	90,79	96,03
Тўрткўл	90,00	99,96
Қораўзак	87,73	114,88
Кегайли	85,87	94,62
Қўнғирот	84,64	88,96
Шуманай	82,01	93,77
Чимбой	79,58	80,47
Ленинобод	78,65	77,66
Тахтакўпир	76,07	76,74
Бўзатов	48,41	35,08
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ		
Фориш	117,15	156,00
Зарбдор	101,80	121,66
Зомин	96,99	105,77
Дўстлик	90,78	107,06
Жиззах	90,75	98,13
Октябрь	88,03	100,03
Пахтакор	85,61	104,50
Мирзачўл	83,55	99,46
Арнасой	79,51	95,74
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ		
Иштихон	106,96	97,59
Пайариқ	93,08	108,11
Большевик	91,78	120,26
Каттақўрғон	90,12	82,40
Пахтачи	89,62	77,62
Хатирчи	86,98	89,63
Нарпай	83,56	83,77
Жомбой	83,54	121,17
Паст Дарғом	80,51	97,62
Оқдарё	65,60	66,90

Хориж билан алоқа

«ТУРОН»НИНГ ИЛК ОДИМЛАРИ

Мамлакатимизда давом этаётган қайта қуриш жараёни, иқтисодиётни соғломлаштириш учун олиб борилаётган изланишлар кўп соҳаларга янгиликлар олиб келмоқда. Буни халқ хўжалигининг барча тармоқларида кўриш мумкин. 1990 йил март ойида Наманган шаҳар ижроия комитети қошида Бутуниттифоқ «Конверсия» концернининг «Турон» бўлими иш бошлаганди. У чет эл фирмалари билан алоқада бўлиб, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига зарур дастгоҳлар, машиналар, ускуналар етказиб бериш, ўзимизда тайёрланган маҳсулотларни эса чет элга сотиш билан шуғулланади.

Ўтган қисқа давр ичида бирмунча ибратли ишлар қилинди. Венгрия, Хитой, Чехословакия, Исроил, Япония каби давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Улар билан бундан буён қилинадиган ишлар, ҳамкорликда қуриладиган завод ва фабрикалар лойиҳалари ҳақида келишиб олинди. Тибет халқ табобатига асосланган хитойча усулда беморларни даволашга ихтисослашган поликлиника ўз фаолиятини бошлади.

Яқинда «Турон» уюшмасининг йиғини бўлиб ўтди. Унда ҳозиргача амалга оширилган ишлар, келгуси режалар муҳокама этилди. Ташкилот раҳбари Муҳаммаджон Ҳожиев таъкидлашича, қисқа вақт ичида «Деҳқон» деб номланган корхона негизида қатор амалий тадбирлар жорий этилди. Ўттиз минг сўмлик техника воситалари сотиб олинди, 37 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Оромгоҳ» даҳасида янги йўлларни қуриш давом эттирилмоқда. Халқ истеъмоли буюмлари цехи иш бошлади. Наманган вилоятида ўн нафар шифокор хитойлик мутахассислар томонидан ўқитилди. Улар беморларни тибет усулида даволаш бўйича малакаларини оширдилар. Исроил ва Венгрия фирмалари билан гилам, томат ишлаб чиқариш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, гишт заводи қуриш юзасидан ҳамкорлик қилинмоқда. Бундай ишлар келгусида ҳам давом эттирилади.

Ушбу йиғинда «Турон» уюшмаси бошқаруви раҳбарлигига Наманган шаҳар ижроия комитети раиси Э. Р. Маматқулов сайланди. Мамлакатимизда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан корхоналарни кенгайтириш, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда бундай ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади.

Т. СУЛАИМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

БЎЛАЖАК СЕССИЯ АРАФАСИДА

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши қўмиталари жумҳурият қонун чиқарувчи олий органининг учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалаларни кўриб чиқмоқда. Жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ туб муаммоларни чуқур ва изчиллик билан ишлаб чиқиш мақсадида қўмиталар ишида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари, экспертлар, халқ хўжалигининг етакчи мутахассислари иштирок этишмоқда.

15 октябрь куни План ва бюджет-молия масалалари қўмитаси Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларига ва йўналишларини шакллантиришнинг асосий қоидаларини ҳамда жумҳуриятнинг 1991 йил бюджетини кўриб чиқишга киришди. Ушбу масалаларни муҳокама қилишда Олий Кенгашнинг бошқа бир қанча қўмиталари раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

Ўзбекистон ССЖ давлат режалаш қўмитаси раисининг ўринбосари А. Г. Корнеев ҳамда жумҳуриятмолия вазири ўринбосари В. С. Бегановнинг ахборотларида ҳукумат ишлаб чиққан дастурлар таърифлаб берилди, қайта қуриш жараёнларининг иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқлиги таъкидланди.

Муҳокама қатнашчилари Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг кўрсаткичлари ҳамда йўналишлари қабул қилинган қонунлар ва тайёрланаётган қонун лойиҳалари билан пухтароқ боғланиши зарурлигини таъкидладилар. Режа ва бюджетни тузиш юзасидан амалий таклифлар билдирилди. Уларнинг айрим йўналишлари бўйича назорат кўрсаткичлари йўқлиги таъкидланди.

Олий Кенгаш сессиясига материаллар тайёрлашга доир бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисни қўмита раиси Э. Д. Боқибоев бошқариб борди.

(ЎзТАГ).

ОҚ ОЛТИН МАҲТАЛ БЎЛМАСИН!

ЎЗБЕКОНА ЭҲТИРОМ

АКА-УКА БРИГАДА БОШЛИҚЛАРИ ИМИНЖОН ВА ИМЯМИН РАҲИМОВЛАР ХУСУСИДА СЎЗ

Асакада қанақанги йиғину анжуман бўладиган бўлса, мабодо унда пахта, пахтачилик маърузаси ўртага тушса, ака-ука бригада бошлиқлари Иминжон ва Имямин Раҳимовлар ҳақида илиқ калом айтилиши табиий. Улар узоқ йиллардан бери Ленин ноҳиясидаги «Правда Востока» колхозида аҳил жамоаларга етакчилик қилишади. Планни бажармаган, номлари Андижонда тилга олинмаган йил йўқ. Вилоят пахтачилигининг донгил оқсоқолларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зокиржон Собировнинг бундан ўн йиллар наридаги бир гапи хаёлимга ўрнашиб қолган:

— Иминжон билан Имямин ҳақиқий деҳқон йигитлар. Жони қийналса ҳам қаттиқ ишлашади. Уларга ундоқ қил, мундоқ қил, деб ўргатишнинг ҳожати йўқ. Ака-ука ўртасидаги меҳр-оқибатнинг ўзи ҳам ўрганадиган бир китоб, — деган эди ота ўшанда.

Бу йилги мавсумда ҳам ака-укалар етакчилик қилишаётган жамоалар ноҳияда пешқадамлик қилишяпти. Акаси Иминжон 82 гектар, укаси Имямин 103 гектар майдонда пахта етиштиришди. Баҳору ёз омилкорлик билан меҳнат қилишди, яхшигина ҳосил яратишди.

Иминжон ака бригадасида бўлганимизда, ўша ҳалол меҳнат самарасига шоҳид бўлдик. Биринчи теримдаёқ 27 центнердан, жами 230 тонна сифатли хом ашё йиғиштириб олиниб, режа адо этилибди. Қорачадан келган, барваста, оҳиста сўзловчи Иминжон акада ортиқча ҳаяжон сезмадим. У асосан бригада одамлари тўғрисида меҳр билан ўзлади. Сувчилардан тортиб, механизаторларгача эринмай санаб ўтди. Оминахон Мамажонова, Давлатхон Эргашева, Адолатхон Зиёвутдинованлар номларини тилга олганида, фахрланди. Кунига 200 килограммга етказиб пахта тераётганидан севиниб гапирди. Ҳатто бригада ошпази Кимёхон Раҳматуллаева тайёрлаётган таомнинг лаззатини таърифлади. Бригада таянчлари, кекса деҳқонлар Омонулло Оқчаев, Тўланбой Бадалов, Мадамин Мирзараҳимов, транспорт трактори ҳайдовчилари Маннобжон Эргашев, Валижон Ўринбоевларнинг энг кичик фазилатларини ҳам ҳикоя қилди: «Ютуқ шуларники, қаттиқ меҳнат қилишди», деб қўйди сўзининг охирида.

Шу кунларда бригадада пахта планини бажариш мўъжиза эмас. Иминжон ва Имямин Раҳимовларнинг биринчиларидан бўлиб маррага етиб келганини таърифу тавсиф қилмоқчи эмасман. Бундан ҳеч ким ҳаяжонланиб, лол қолмайди. Мени ака-укалар ўртасидаги меҳр-оқибат, эҳтиром, шарқона одоб ўйлантирди, дилимга илиқлик бахш этди.

Газета-журналларни варақлайсизми, радио-телевизор мурватини бурайсизми, меҳр-оқибат, ахлоқ ва одоб хусусида ташвишли мушоҳадаларни ўқияпмиз, тинглаяпмиз, кўраяпмиз. Одобномани сўз билан, узундан-узоқ маърузалар билан шакллантириб бўлмас экан-да. У асли дилда, юракда бўлиши керак экан. Шундагина у илдиз отиб, яроқ чиқариб, мева тугиб, одамзодга нафи тегади. Мен ана шу одобноманинг биргина мўъжаз саҳифасини Иминжон ва Имямин акаларда кўриб, севиниб кетдим. Буни уларнинг ўзларидан эшитганим йўқ, одамлар айтиб беришди.

Пахта терими арафаси. Айрим бригадаларда иш бошланган. Бироқ негадир Имямин бригадасида сукунат. Хўжалик мутахассислари ҳадеб қийин-қистов қилаверишгач, Имямин ниятини очиқ айтди:

— Намунча шошилтирасизлар. Акамнинг бригадасида терим эртага бошланади. Бир кун — минг кун бўлмас. Қанақа бўлганда ҳам оиламизнинг каттаси. Ундан олдин остона ҳатласам, одобдан бўлмас. Ҳосил бор, кучимиз етарли. Ҳар ҳолда дастурхонга аввал катта қўл узатади. Бошқалар терса тераверсин. Лекин мен акамдан олдин бошлай олмайман.

Иш Имямин айтгандай бўлди. Эртаси куни акасининг бригадасида терим бошланди. Укаси ҳорма, бор бўлга борди. Индинига эса унинг бригадасида оммавий терим бошланди. Баъзилар бунинг сабабини сезгимади, ҳушёрлар эса Имяминни ич-ичидан алқаб қўйишди.

Терим қизигандан қизиб кетди. Ака-укалар бригадасида кунига 8-9 фоиздан пахта тайёрлана бошланди. 10-13 фоизга етган кунлар ҳам бўлди. Дам олиш кунлари билим юрти талабалари ҳашарга келиб қолишди. Имямин бригадасида биринчи терим пахта кўпроқ. Шундай бўлса ҳам акаси Иминжонга изн берди. Акасининг бригадасида пахта тайёрлаш 50 фоизга етганида, у 49 фоиздан ошмади.

Одамлар энди аҳволни ошкора тушунишди. «Имяминда пахта ҳам, куч ҳам етарли. Истаса, бир кунда 15 фоизга етказиб пахта топширади-ю, бироқ акаси олдида одоб сақлаётир», деган фикрни хаёлидан ўтказдилар. Аслида ҳам шундай эди. Акаси йиллик пахта тайёрлаш планини бажарган куннинг эртасига ўн фоиздан ошириб пахта топшириб, маррага етди. Индинига эса уч фоиз ошиб кетди.

Мана шу воқеани эшитдим-у ўйланиб қолдим. Пахта планини биринчи бажарганлар қанчалик эъзозланади, мукофотларга сазовор бўлади, енгил автомашиналар билан тақдирланади, катталарнинг назарига тушади. Имямин эса мана шунча мукофот ва тақдирлашлардан кўра оиланинг каттаси — акасининг олдида одоб сақлашни афзал кўрди, унинг назаридан қолмасликка ҳаракат қилди. Менинг қўлимга қалам тутқазган нарса ҳам мана шу ака-ука ўртасидаги ўзаро ҳурмат, иззат-икром бўлди.

Тўғри, баъзилар фикримга қўшилмаслиги мумкин. «Нима, меҳнатда, ишда ютуққа эришишда катталарни ҳурмат қилиб, олдинга ўтмаслик керакми?» дея эътироз билдиришар. Йўқ, ундай демоқчи эмасман. Йўл кенг ва узун. Олдинга ўтиш керак бўлса ўтилсин, фақат чангитиб, туртиб-йиқитиб эмас, одоб билан ўтилсин, демоқчиман, холос. Имямин ҳам акасидан аллақачон ўзиб кетди, аммо одоб доирасидан чиқмади. Мукофотлар, енгил машиналар, данғиллама уйжой, мол-дунё, сохта шон-шуҳрат, деб асрлар бўйи бошимизга кўтарган одобнома китобимизни оёқ ости қилиб, дил ришталари билан битилган саҳифаларини тошбағирларча йиртиб ташлаганимиз ҳақиқат. Лоақал ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, ёрдўстлараро иззат-ҳурматли бўлсак, бошқалар олдида ҳам қадр ва ҳурмат топамиз, демоқчиман.

Иминжон ва Имямин акаларнинг бир-бирларига бўлган оқибатларида эса азиз ва ардоқли кўҳна Шарқ одобномасининг, ҳақиқий ўзбекона эҳтиромнинг олтин саҳифасини ўқидим. Йиллар ўтаверади, режалар тўлаверади, хирмонлар юксалаверади, аммо ҳақиқий одоб ва эҳтиромга гард қўндирмай яшаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Иминжон ва Имямин Раҳимовларга эса таъзим қиламан.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Бухоро районидаги «Партия XXVII съезди» жамоа хўжалигининг Баҳри Ҳожимуродов бошлиқ бригадаси деҳқонлари жорий йилда 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта йиғиштириб олишга сўз беришган. Шу ниятда бу ерда йиғим-терим жадал бормоқда. Чеварлар баҳсида эса Амина Ҳаётова пешқадам. У бугунгача 7 тонна хирмон уйди.

СУРАТДА: илғор теримчи Амина Ҳаётова.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Жумҳурият Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг «Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот поезди Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб қилган «Меҳр-мурувват» сафарини Наманганда ниҳоясига етказди. Сафар қатнашчилари болалар уйларида, ихтисослаштирилган интернат уйларда тарбияланаётган болалар ҳузурига боришди. Хайрия тадбирининг асосий мақсади бу ердаги кичкинтойларга баҳоли қудрат кўмаклашишдан иборатдир.

Меҳмонлар Наманганда темир йўл вокзалига етиб келишлари билан ўзларини кутиб олган вилоят жамоат ташкилотлари вакилларини ўз штабларига таклиф этишди. Улар ўзлари борадиган жойларини яна бир марта аниқлаб олишлари керак эди. Ташвиқот поездида Ленин номидаги Совет болалар фонди жумҳурият бўлимининг, жумҳурият меҳр-мурувват ва саломтлик жамғармасининг, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг вакиллари, бир қанча вазирликлар ва идораларнинг, Қизил ярим ой жамиятининг ходимлари бор эди. Шифокорлар ҳам алоҳида бир гуруҳни ташкил этишди. Болалар уйларидаги ҳар бир танишув одатда кичкинтойларни тиббий текширишдан ўтказишдан бошланарди.

Болалар ҳаваскорлик ижодий жамоалари қатнашчиларини алоҳида сабрсизлик билан кутишди. Ангрендан «Юность» намунали кўргазмали ҳалқ болалар цирки, Тошкентдан «Колесо» кўғирчоқ театр студияси кичкинтой наманганликлар ҳузурига ташриф буюришди.

Наманганди 26-болалар уйида меҳмонларнинг келишига пухта тайёргарлик кўришди — ҳаммаёқни саромжон-сариштa қилишди. Зотан, болалар уйида ҳамиша озодалик сақланади. Лекин шундай муаммолар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Шундай муаммоларнинг асосийси — ҳудуднинг етишмаслигидир. Икки қаватли бинода очиқ ҳаводаги ҳар хил ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш қийин. Каттароқ ёшдаги болалар учун ишлаб чиқариш устахоналари зарур. Ташвиқот поезди қатнашчилари болалар уйининг педагоглар жамоаси билан суҳбати чоғида ҳар бир болалар уйи айниқса яқинлашиб келаётган бозор иқтисодиёти шароитида, ўз ёрдамчи хўжалигига эга бўлиши зарурлиги ҳақида гап борди. Дастлабки пайтда бу ишда оталиқ ташкилотлари ёрдам беришлари мумкин. Аммо улар кўпинча бунга юзаки ёндашишади. Бунинг устига ҳар доим ҳам зарур пул маблағларига эга бўлмайдилар. Шундай ҳолатда болалар уйларини катта, иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналарга бириктириб қўйиш зарурати туғилади.

Ташвиқот поездининг қатнашчилари Уйчидаги сколиоз билан оғриган бемор болаларнинг ихтисослаштирилган интернат уйида ҳам бўлишди. Улар Чустдаги ихтисослаштирилган интернат уйида ҳам болалар билан учрашдилар.

Ҳар бир учрашув болаларга ёрдам кўрсатиш тадбирлари билан якунланди. Чунончи, 26-болалар уйига Тошкентнинг «Сабантўй» фольклор ансамблидан тушган минг сўм, бир марта фойдаланадиган шпирцлар топширилди. Пулларни келаси йилдан мустақил ҳаётга қадам қўядиган болаларнинг жамғарма дафтарчаларига ўтказишга қарор қилинди.

«Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот поездининг вилоятда бўлиши жуналарини чиқаришда меҳмонларнинг ҳам, наманганликларнинг ҳам фикр-ўйлари ва истаклари кўп жиҳатдан бир-бирига монанд келди. Энг асосийси улар бундай меҳр-мурувват тадбирлари доимий тусда бўлиши керак, деган фикрни билдирдилар. Чунки болалар ҳамиша ёрдамга муҳтож. Буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Н. ХУЖАЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

Муштарий бонг уради

РАПҚОНГА ҚАЧОН ГАЗ КЕЛАДИ?

Жумҳуриятимиз Президентининг Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимли сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармони асосида жойларда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона вилоятининг Киров районида ҳам бу борада бир қатор тадбирлар кўрилди. Масалан, 625 нафар байналмилалчи жангчини, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг барчасини қийматининг 50 фоизини тўлаш асосида табиий газ билан таъминлаш йўлга қўйилди. 1990 йилда ўтган йилдагига қараганда 8 километр кўп газ қувурини ётқизиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, Қулбобо, Горький посёлкалари ҳамда Ҳайитқишлоқ, «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг Томоша қишлоқлари аҳолиси хонадонига йил охиригача табиий газ киради. Келгуси йилда эса «Бешариқ» совхозининг Иттифоқ, Деҳқонтўда қишлоқлари, Бешариқ шаҳри кўчаларидан бири газлаштирилади.

Райондаги 16 минг аҳоли ҳозирги кунда суюлтирилган газ билан тўлиқ таъмин этилган. Рапқон ва Деҳқонтўда қишлоқларини зангори олов билан таъминлаш лойиҳаси тайёрланди. «Москва» колхози қишлоқларидаги ерости ишлари амалга оширилган. Бироқ «Москва» ҳамда «Искра» колхозлари раҳбарлари хонадонларни газлаштириш учун маблағ ажратмаганликлари сабабли бу иш орқага сурилаяпти.

— Агар хўжаликлар ўз вақтида пул ўтказсалар, газлаштириш ишлари шу кунлиқ бошланади, — дейди район газлаштириш идорасининг бўлинма етакчиси Дадахон Пўлатов — Чунки ташкилотимизнинг маблағи йўқ. Хўжаликлар раҳбарлари пул ўтказишни пайсалга солмасалар, ишимиз тезкорлик билан бораверади.

Тўғри, бир қарашда районда аҳолини табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги ишлар бир текис, яхши кетаётгандек туюлади. Аммо Бухоро гази Рапқон ва Қашқар қишлоқларининг, «Москва» ҳамда «Искра» колхозларининг шундоққина биқинидан ўтганлигига қарамай уларнинг аҳолиси ҳамон зангори олов билан таъмин этилмаган. Берилган ваъдалар кўп йиллардан бери бажарилмай қолаяпти. Ҳар бирида 15—20 минг кишидан иборат аҳоли бўлган бу қишлоқларнинг одамлари қачонгача кўмир излаб, қўшни Тожикистонга, Исфара ёки бошқа қатор шаҳарларга сарсон бўлиб қатнайдилар? Ёки улар ғўзапоя ёқаверишадими? Қишлоқ Советлари, хўжаликлар, қолаверса, район раҳбарлари бу масалани тезроқ ҳал этиш ҳақида бош қотиришлари керак.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Буни ерга уруғ қадаган деҳқон кўпроқ ҳис этади, дейишади. Бугун вобкентлик қайси бир пахтакор билан суҳбатлашманг, ана шу нақлнинг чинлигига комил ишонч ҳосил қиласиз.

— Чигит экиш аслида катта юмушнинг дебочаси, — изоҳлайди улар. — Мўлжалдаги ҳосилни оламан деган деҳқон дастлаб кузда жами майдонни чуқур шудгорлайди, нурига обдон тўйдиради, қиш мобайнида чилла сувни қондиради, кўкламда рисоладагидек текислайди. Ерга уруғ тушдими, вассалом, унинг уйқуси қочади: тупроқни ёриб чиққан ҳар туп ниҳол пишиб етилмагунча жонини жабборга бериб ишлайди. Сўнгра лўпин-лўпин очилган чаноқлардан лаззат ва қувват олиб, бир лаҳза чарчоқни унутади-да, йиғим-теримга тушади. Қалб меҳри, кўз нури-ла етиштирилган оқ олтин омборларга топширилгач, енгил нафас олади...

Дарҳақиқат, шу қувончли паллада Вобкент райони пахтакорларининг ошиғи олчи. Сабаби — улар жорий йилда қабул пунктларига 43.000 тоннадан зиёд оқ олтин етказиб бериб, йиллик режани вилоятда биринчилар қаторида бажардилар. Ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этди.

Бу меҳнат зафарига Муртазоев номли, Тельман номли, «Пахтакор», Охунбобоев номли, «Ленинград», «Октябрь», Ленин номли жамоа хўжаликлари ҳамда 2- ва 3-қўриқ давлат хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Мазкур жамоаларда энг юқори кўрсаткичларга эришилди.

Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга режага қўшимча 3.224 тонна пахта сотиш, ҳосилдорликни 30,5 центнерга кўтаришмоқчи. Шу эзгу ният йўлида барча хўжаликларда терим суръатига суръат қўшилмоқда.

И. ҲОТАМОВ.

ЁНҒИН БАЛОСИ

Пахта — жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий маҳсулоти. У ўн минглаб деҳқоннинг фидокорона меҳнати эвазига етиштириладиган катта бойлик. Шундай экан, йиғиб-териб олинган ҳосилни сақлаш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, пахта тозалаш саноати объектларида ёнғин чиқиш хавфсизлигини таъминлаш аҳволи йилдан-йилга мураккаблашмоқда. Шунга қарамай хўжалик раҳбарлари томонидан ёнғиннинг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўрилмаяпти. Натижада 1985 йилда 85 марта ёнғин чиққан бўлса, ўтган йили 229 тага етди.

Жумҳурият ёнғин назорати органлари томонидан ҳар йили пахта тозалаш саноати объектларида айниқса капитал ремонт, яъни янги ҳосилни қабул қилиб олишга қадар бўлган даврда ўт чиқишининг олдини олиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу корхоналар бир неча бор кўздан кечириб чиқилмоқда, уларнинг раҳбарларига йўл-йўриқлар берилаётир. Ўн минглаб плакатлар, мазкур мавзуга доир кўрсатмалар тарқатилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида мақолалар босилмоқда. Район ва вилоятларнинг партия, совет, хўжалик ташкилотларига бу соҳадаги ишлар аҳволи қай даражада эканлиги тўғрисида ёзма ахборот юборилаётир. Агар пахта тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш жойларида ёнғиннинг олдини олиш ҳолати билан танишилса, бу ишга қоғоз ва иш вақти беҳуда сарфланаётганлиги маълум бўлади. Улар кутилган натижани бермаяпти, аҳвол яхшиламаяпти. Бунинг сабаби нимада?

Корхоналарнинг раҳбарлари, меҳнат жамоаларининг кенгашларини план кўрсаткичлари ва пировард натижа—ҳақ қизиқтирмоқда, холос. Улар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларига етарли эътибор бермаяптилар. Бу борадаги тадбирларни амалга оширишга маблағ ажратилмаяпти. Оқибатда белгиланган тадбирлар йилдан-йилга бажарилмаяпти. Технология ва электр асбоблари, кичик механизация воситалари сифатсиз ремонт қилинмоқда. Корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи бўлган асбоблардан фойдаланиш давом этмоқда.

Ҳозирнинг ўзидаёқ етиштирилган ҳосилнинг тўртдан уч қисми йиғиб-териб олинди. Хўжаликлар, корхоналар ва муассасалар хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтаётган даврда раҳбарларнинг ўзлари бошчилик қилаётган жамоаларга муносабати тўбдан ўзгариши лозим эди. Бироқ амалиёт бундай эмаслигини кўрсатмоқда.

Йиғим-терим бошланишидан олдин ўтказилган текшириш пахта тозалаш саноати объектларининг кўп қисми, кичик механизация воситалари ҳосилни қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга тайёр эмаслигини кўрсатди. Масалан, Сирдарё вилоятидаги Оқолтин заводида ёнғинга қарши кураш автомобили ремонтдан чиқарилмаган, телефон алоқаси носоз. Мавжуд сув ҳавзаси тозаланмаган, электр насоси созланмаган. Кишида завод раҳбарлари ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидалари тўғрисида тушунчага эга эмас, деган таассурот ҳосил бўлади.

Мазкур вилоятдаги Волков номли заводда эса насос станцияси яхши жиҳозланмаган, сув ҳавзаси ва гидрантлар созланмаган, автомобиль бузуқ, электр кабеллари текшириб кўрилмаган, ёнғинни ўчиришнинг дастлабки воситалари етарли эмас.

Жиззах вилоятининг Октябрь пахта тозалаш заводида ҳавзалар тозаланиб, сувга тўлдирилмаган, электр насослар ўрнатилмаган, қалқонлар ва ҳавозалар тўлиқланмаган, электр хўжалигида рўй беражак офатнинг олдини олиш тадбирлари текширилмаган.

Сирдарё вилоятидаги Малик, Ильич, Бахт, Жиззах вилоятидаги Дўстлик, Ержар, Бухоро вилоятидаги Қоракўл, Қизилтепа, Қашқадарё вилоятидаги Шаҳрисабз, Косон, Қорақалпоғистон АССРдаги Шуманай, Тўрткўл ва бошқа пахта тозалаш заводларида ҳам ёнғинга қарши кураш аҳволи ана шундай.

Заводлар ва пахта қабул қилиш пунктларида мавжуд нуқсонлар йиллаб бартараф қилинмайди. Бу баъзан ёнғин чиқишига сабаб бўлмоқда. 1989 йилда Шуманай заводида 30 марта, Қўнғирот заводида 16, Ульянов заводида 14, Октябрь заводида 7, Дўстлик заводида 6 марта ана шундай нохуш ҳодиса рўй берди. Аммо уларнинг кўпчилигида катта зарар кўрилмади. Шундан бўлса керак, мазкур корхоналарда бундан тегишли хулоса чиқарилмади. Белгиланган тадбирларнинг бажарилмаслиги, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва нуқсонлар учун жазоланмаслиги жиддий оқибатларга олиб келди. Масалан, Октябрь пахта тозалаш заводида (ундаги бу йилги аҳволга юқорида тўхтаб ўтилди) 1989 йил 17 июнда чиққан ёнғинда 170 тоннадан зиёд хом ашё нобуд бўлди. Корхонада мазкур ҳодиса рўй бергунга қадар тайёр маҳсулотни омбордан олиб кетиш, ёнғинга қарши чораларни кўриш кераклиги таъкидланган эди. Устига-устак бу ерда беш марта ёнғин чиққанди. Шунга қарамай бирон-бир чора кўрилмади ва тегишли хулоса чиқариб олинмади. Натижада минглаб одамлар меҳнати зое кетди.

Самарқанд вилоятидаги Зиёдин заводида ҳам шундай воқеа рўй берди. Корхона директори хонасига ўт кетди, орадан бироз вақт ўтгач эса омборда ёнғин чиқиб, 100 минг сўм миқдордаги бойлик кул бўлди.

Жиззах вилоятининг Зомин районидаги «Партия XXV съезди» пахта қабул қилиш пунктида шамоллатгичнинг носозлиги оқибатида уч ғарам пахта ёниб кетди.

Раҳбарлар ва хизмат кўрсатувчи кишиларнинг масъулиятсизлиги туфайли пахтага ўт кетишидан ташқари одамлар ҳам ҳалок бўлаяптилар. Масалан, 1989 йил 12 майда Беруний заводида технологик жиҳозлар носозлиги оқибатида чиққан ёнғинда ишчи М. Шарипова ҳалок бўлди. Тошкент вилоятининг Ғалаба районидаги Солдатское пахта қабул қилиш пунктида 1989 йил 13 октябрь куни кичик механизация воситаларидан фойдаланиш қоидаси бузилганлиги туфайли электр кабель узилиб, токнинг туташиши рўй берди. Натижада ёнғин чиқиб, уч ғарам пахта ёниб кетди, ишчи С. Саидбоев оғир жароҳатлар олиб, касалхонага ётқизилди.

Соҳа объектларида ёнғин чиқиш ҳоллари бу йил ҳам рўй бериб турибди. Йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 140 та шундай ҳодиса содир бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврига солиштирганда 34,4 фоиз кўпдир.

Зомин районидаги «Ғалаба» қабул қилиш пунктида шу йил 14 март куни 5 ғарам пахта ўт ичида қолди. Шу райондаги «Андижон» совхозида жойлашган қабул қилиш пунктида 30 март куни бир ғарам пахтани ўт олди. 17 майда Гулистон заводига қарашли «Ленинград» қабул қилиш пунктида ҳам бир ғарам ҳосил ёниб кетди. Ленинград районидаги «Москва» колхозига қарашли қабул қилиш пунктида орадан уч кун ўтгач 220 тонна пахта қолдиқлари ёниб кетди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёнғин чиқиши оқибатида янги ҳосилга ҳам зарар етиш ҳоллари ҳозирнинг ўзидаёқ қайд этилди. Фарғона вилоятининг Қува районидаги «Акбаробод» қабул қилиш пунктида 6 сентябрь куни шундай ҳодиса рўй берди. Унинг айбдори— тракторчи А. Раҳмонов. Бухоро вилоятининг Қоракўл районидаги «Искра» колхози хирмонида 9 сентябрда бу ҳодиса такрорланди. Бу ерда ҳам айбдор тракторчи, яъни Пирнафасовдир.

Жумҳурият давлат ёнғин назорати органлари томонидан аҳволни яхшилаш чоралари кўрилмоқда, албатта. Сўнгги текширишдан кейингина ёнғин чиқиш хавфи бўлган 43 объект, цех ва бинода иш тўхтатилди, электр тармоқларининг 160 тадан ортиқ носоз участкаси узиб қўйилди. Бу соҳанинг 190 дан ортиқ мансабдор шахсларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жарима солинди. Давлат ёнғин назорати органларининг талабларини бажармаганликлари учун Гулистон пахта заводининг «Красная заря», Косон заводининг «ВЛКСМ 60 йиллиги» қабул қилиш пунктлари мудирлари А. Каримов, Ш. Элмирзаев устидан жиноий иш қўзғатилди. Гурлан заводи директори Ф. Бобожонов фаолияти юзасидан ҳам шундай маълумотлар тўпланди.

Ёнғин муҳофазаси ходимлари жарималар солишни кўпайтиришлари мумкин. Лекин бу аҳволни ўзгартиримайди. Аввало корхоналар ва юқори ташкилотларнинг раҳбарлари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор беришлари, ҳосилни қабул қилиш, қайта ишлаш объектларидаги аҳволни яхшилаш чораларини кўришлари зарур.

Жумҳурият Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ва «Узхлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари бу борада қандай фикрда эканлар?

Ғ. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР ички ишлар вазирининг ўринбосари.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

БРЯНСК. Бу ердаги 200 мингдан зиёд киши яшайдиган энг катта Бежица райони халқ депутатлари кенгаши ижроия комитетисиз қолди. Район кенгаши сессиясининг қарорига мувофиқ ҳокимиятнинг бутун фармойиш бериш ва ижро этиш вазифалари халқ депутатлари район кенгашининг раёсати зиммасига юкланди. Район кенгашида районни бозор муносабатларига ўтишга тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш билан шуғулланадиган комиссиялар ҳам тузилди.

* * *

ЕРЕВАН. Германиянинг «Отто боцк» фирмаси Арманистонга ясама қўл ва оёқ тайёрлайдиган ҳамда ремонт қиладиган учта устахонани текинга берди. Бу Арманистонда зилзладан азият чеккан ногиронларга ёрдам беришни анча яхшилашга кўмаклашади. Маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш учун бу ерга немис усталари келишади. Ҳозирги вақтда жумҳуриятда Германия ёрдамида тузилган бир қатор шифохоналар ишлаб турибди.

ЧЕЛЯБИНСК. Бу ерда халқ ҳунармандчилигини тиклаш мақсадида славян маданияти маркази кунлари ўтмоқда. Бу тадбирнинг ташкилотчилари бўлган Сосна паррандачилик фабрикасининг ҳамда Челябинск соат заводининг меҳнат жамоалари қадимий ҳунармандчиликни тиклаш учун анчагина маблағ ўтказишган. Шаҳар кенгаши халқ ҳунармандчилиги ижодий бирлашмасига ўймакор ёғоч ўйин топширди. Бу ерда яқинда доимий ишлайдиган кўргазма ва моҳир қўллар мактаби очилади.

* * *

ВОЛОГДА. Кузнецово қишлоғида яшайдиган Вячеслав Голяшевич 80 соату 26 минут ичида детектив романни ёзиб тугатди. «Гиннесс рекордлар китоби» совет нашрини тузувчилар ёш адибнинг бу ғаройиб ютуғини эътироф этдилар. Ёзувчига буюрилган мавзу шундай: «Гиннесс рекордлар китоби»нинг ўғирланиши» деб аталган эди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

ЎЗ СОЗИ, ЎЗ ОВОЗИ

Ўшанда куз эди. Саховатли боғлар болга тўлган. Наманганнинг довруғи етти иқлимга таралган нақшин олмалари, ранго-ранг узумлар эртаклардагидай сирли, сеҳрли кўринади киши кўзига. Чуст районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида уч авлод учрашуви кечаси ўтказилаяпти. Кўксини орден ва медаллар безаган табаррук кишилар, мураббийлар, ишлаб чиқариш илғорлари даврага файз киритишган. Санъаткорлар энг севимли қуй ва қўшиқларини ижро этиб, йиғилганларга завқ-шавқ бағишлашарди.

Ўртага тошкентлик ёш хонанда Маҳмуджон Азимов таклиф этилди. У ҳаяжонини босиш учун бир сония тин олди, сўнг торини жаранглатганча «Бебаҳо дурдонасан», «Бободеҳқон» қўшиқларини авж пардаларда куйлади. Хонанданинг ўзига хос услуби, ширали нафаси, куйининг нафислиги барчани ром қилиб қўйди. Одамлар ҳурмат ва миннатдорчиликларини қарсаклар, гулдасталар орқали ифода этдилар. Маҳмуджонни даврадан қўйиб юборгилари келмасди. Ўшанда саксон ёшли Тожиддин ота Калонов:

— Халқимиз орасида истеъдод эгалари кўп. Тошкентлик ҳофизнинг зап овози, сози бор экан. Ўзига бино қўймай, машқ қилса, албатта бир ердан чиқади, — деган пурҳикмат каломи ҳамон ёдимизда.

Нуроний бу сўзларни бекорга айтмаганди. Табиат туғма истеъдод ҳадя этган санъаткор учун икки нарса жуда муҳим. Бири ютуқлар билан кифояланмай, тинмай машқ қилиши, ўз имконияти, услубига мос қўшиқ яратиши, «ҳали элга манзур бўладиганлари олдинда» қабилида иш юритиши лозим. Иккинчиси — камолот сари дадил одимлаётганида ўзини асрай билиши, олқишларга, мулозаматларга учмаслиги, камтарликни унутмаслиги зарур.

Маҳмуджон Азимов буни яхши билади. Зеро, ўзи табиатан одми, камсуқум, хушмуомала йигит. Бу фазилатлар отаси — Тошкент районидаги Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалигида қирқ йил ҳалол тер тўккан ажойиб соҳибкор Мақсуд ака, онаизори Инобат опадан юққан. Биринчи учрашувимиздан сўнг орадан уч ярим йил ўтди. Энди ширадор овоз соҳибининг қалбларни ром этувчи қўшиқлари эфир тўлқинлари, зангори экран орқали тез-тез янграй бошлади. Шинавандалар жумҳурият радиоси ва телевиденисига, рўзномаларнинг таҳририятига мактублар йўллаб, Маҳмуджон Азимов ижоди билан батафсил таниширишни илтимос қила бошладилар. Бу хонанда омадининг юришгани.

— Баъзилар қўшиқчига маза, ҳаёти хурсандчиликдан иборат. Тўртта қўшиқни қойилмақом қилиб айтса, ошиғи олчи, деб ўйлашади, — дейди Маҳмуджон. — Бироқ меҳнатсиз, машақкатсиз бирон натижага эришиб бўладими? Одамларга ёқадиган шеърлар ёдлаш, унга мос куй битиш қанчалик мушкуллиги ижодкоргагина аён. Изланишдан тўхтаб, бир «пластинкани» ҳадеб айлантираверсанг, назардан қоласан. Айтайлик, бугун кайфиятим сўниқ, бирор-бир воқеадан қаттиқ хафаман. Аммо қўлимга тор олиб, қаердадир хониш қилишим керак. Бунинг учун ўзимни қўлга ола билишим, руҳиятимни сездирмаслигим даркор. Ҳаммасидан ҳам шуниси оғир. Санъаткор, қўшиқчи қисмати шундай!

Ҳаётни қўшиқсиз тасаввур этиш қийин. Аммо қалбларга ором бағишловчи ҳақиқий қўшиқ осонликча дунёга келмайди. Умр бўйи кимларгадир тақлид қилиб, ўз мухлисини топмаган санъаткорлар қанчадан-қанча. Шу боис халқимиз ўз услуби, ўз сози ва овози бўлган истеъдод эгасини юксак қадрлайди. Маҳмуджон ўзбек миллий санъатининг дарғалари — Фаттоҳхон Мамадалиев, Муҳаммаджон Каримов, Ориф Алимаҳсумов, Маҳмуд Тожибоев, Маъмуржон Тўхтасинов, лирик хонанда Фахриддин Умаровнинг хонишларини берилиб тинглайди, уларга эргашади, мароқли суҳбатларидан сабоқ олади.

Хонанданинг истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуф билан танишуви камолот сари дадил қадам ташлашида муҳим омил бўлди. Ҳамкорликда эзгулик, одамийлик, меҳр-оқибатни, аждодларимизни, алломаларимизни эъзозловчи қўшиқлар яратилди. «Файзулла бобо», «Абдулла Қодирий», «Усмон Носир» кабилар минг-минглаб кишиларнинг қалбига етиб борди. Айниқса, «Улуғбекнинг армони» қўшиғи икки ижодкорга катта обрў келтирди. Мана шу биргина нодир қўшиқнинг ўзи умрга татигулик меҳнат маҳсулига тенг дейиш мумкин. Уни каттаю кичик зўр иштиёқ, ҳаяжон билан тинглайди. Эътибор қилинг-а, қанчалик жозибали, таъсирчан сатрлар:

Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни кўриб қайтаман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар,
Мен дардимни кимга айтаман.

Юқорида қайд этилган умрбоқий қўшиқлар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Негаки қишини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди, қалбларга эзгулик уруғини сочади. Ўз халқини, аждодини, санъатини улуғлаган киши асло кам бўлмайди. Ўзбек қўшиқчилигининг ўзига хос янги қиррасини очишга муваррафф бўлаётган Маҳмуджон Азимов эл назарига тушди. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

Хизмат бурчи билан Москва районидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигида бўлганимизда меҳнат мўйсафиди Худоёрмирза Давлатов ҳамқишлоқлари фикрини ифодалаб шундай деди:

— Хўжалигимизда байналмилал жангчиларни шарафлашга бағишланган кеча уюштирдик. Ёшларимиз Маҳмуджонни албатта, олиб келасизлар, деб туриб олишди. Сим орқали боғланиб, ниятимизни айтдик. У бажонидил таклифимизга рози бўлди. Учинчи куни ҳузуримизга етиб келди. Мажнунтоллар ажиб манзара кашф этган сўлим масканда у «Афғон қирларида қолган баҳодирлар» қўшиғини ички дард билан берилиб айтди. Чамаси йиғилганларнинг бутун вужуди қулоққа айланганди. Ҳофиз ноласи байналмилал бурчини адо этишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган аскарларимизнинг оналари дардига малҳам бўлди. Қўшиқнинг кучи, сеҳрини шунда сездим.

Ҳа, истеъдодли хонанда қўлда сози, хуш овози билан ҳамиша халқ хизматига тайёр. Уни гоҳ ташвиқот поездлари сафарларида, гоҳ мактаб ўқувчилари орасида, маҳаллаларда, тўй-томошаларда учратиш мумкин. У Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Парвоз» халқ ансамблининг раҳбари ҳамдир. Ишчилардан етишиб чиққан иккинчи истеъдод эгаларига ўзбек халқ қўшиқларини мароқ билан ўргатмоқда. Худоёр Сайдалиев, Зуҳриддин Сирожев каби шогирдлари унинг йўлидан боришаяпти. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига муносиб номзод, истеъдодли хонанда Маҳмуджон Азимов шу кунларда тинмай изланмоқда. Маҳамаджон Тўхтаматов, Фахриддин Низомов, Саидаҳрор Қудратов каби созандалар билан янги-янги қўшиқлар устида ишламоқда. Эзгу мақсад йўлида эл эъзозлаётган санъаткорга омад тилаймиз!

Тоҳир МИРҲОДИЕВ,
Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган журналист.

Мирғиёс ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти соҳиби.

СПОРТ ахборотлари

ФУТБОЛ

Олий лигада бир учрашув бўлиб ўтди. Душанбенинг «Помир» командаси ўз майдонида мавсумда совринли ўринларни эгаллаш унун қурашаётган Днепропетровск-нинг «Днепр» клубини қабул қилди. Ўтган сафар мамлакатимизнинг кучли коллективларидан бири — Москва спартакчиларининг «кўрагини ерга теккизиб», бундан анча дадиллаган тожик футболчилари яна ҳужумга зўр бердилар.

Меҳмонлар ҳам бу борада улардан қолишмадилар. Ахир, ҳар бир очко улар учун олтинга тенг: ютқазиш у ёқда турсин, ҳатто уни йўқотиш ҳам «Днепр»ни медаллар учун кураш имкониятидан маҳрум этади. Шу боис украин футболчилари ҳам ҳужумкорлик шиори остида ўйнадилар.

Бундан ишқибозлар ютишди: улар қизиқарли учрашувнинг гувоҳи бўлдилар. Дарвозалар беш маротаба ишғол этилди. Меҳмонлар ҳал қилувчи лаҳзаларда мезбонларга нисбатан аниқроқ ўйнадилар. Натижада учрашув 3:2 ҳисобида улар фойдасига ҳал бўлди. Бу галабадан сўнг «Днепр» жамғармасидаги очколар 28 тага етиб, ўйинлар жадвалида бир поғона юқори кўтарилди.

Тожик футболчилари эса мағлубиятга учраганларига қарамасдан олий лигада ўйнаш муддатини яна бир йилга узайтирдилар.

* * *

Кеча биринчи лига коллективлари навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар. Пахтакорчилар Ростовда маҳаллий «Ростсельмаш» коллективининг меҳмони бўлишди.

Бу турда яна беш учрашув ишқибозлар ўртасида қизиқиш уйғотмоқда. «Нистру» — «Шинник», «Металлург» — «Геолог», «Факел» — «Локомотив» (Москва), «Спартак» (Владикавказ) — «Кубань», «Динамо» (Ставрополь) — «Қайрат» матчларидир. Уларда олий лигага йўлланма олиш учун курашаётган командалар қатнашадилар. Кучлилар сафига даъвогарлардан учтаси мазкур учрашувлардаёқ маълум бўлиши мумкин.

ХОККЕЙ

Олий лигада навбатдаги тур учрашувлари ниҳоясига етди. Кучли коллективлар бу сафар олти маротаба куч синашдилар. МАСК — «Крилья Советов», «Динамо» — «Спартак» учрашувлари улар ўртасида марказийси бўлди. Москванинг тўрттала командаси нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ҳақли равишда кучлилардан саналади. Шу боис улар ўртасидаги ҳар бир учрашув кескин кураш остида ўтади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ташаббус гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтиб турди. Пировардида командалар баҳси дуранг билан тугаб, очколар ўзаро баҳам кўрилди. Биринчи учрашувда 4:4, кейингисида эса 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Ўтган куни бўлиб ўтган бошқа учрашувлар натижаси билан танишинг: «Торпедо» (Усть-Каменогорск) — «Динамо» (Рига) — 3:3, «Динамо» (Минск) — «Торпедо» (Нижний Новгород) — 2:6.

Ойнаи жаҳонда

19 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 «Болтиқ камалаги». Фильм-концерт.
12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Йўқолсин севги фронтидаги чайқовчилик». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Мактабимиз — фахримиз».
18.50 Фарғона вилояти Тошлоқ ноҳияси «Райҳон» ансамблининг концерти.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Хизматимиздан мамнунмисиз?».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Муносабат». Ёшлар учун кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!».
23.00 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида).
20.00 «Пульс». Тошкент хабарлари.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ворисони «Шашмақом». Исфара шаҳрида мақомчилар фестивали.
23.10 «Альбатрос»нинг сўнгги рейси». Телевизион бадиий фильм. 4-серия (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Минотавр ҳузурига ташриф». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
10.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.00 Мультфильмлар: «Эчки ҳақида», «Одамга ўхшашни ҳоҳлаган сичқонча ҳақида».
11.25 «Кўприк». Ҳужжатли фильм.
11.55 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». «Экология ва маданият».
12.55 Коллаж.
13.00 «Время».

* * *

16.15 «Грузиятелефильм» студиясининг болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлари: «Кичик детектив», «Кунлардан бир кун Шакрианида».
17.10 «Ахлатга...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Иккиламчи хом ашёни қайта ишлашнинг тугалланмаган системаси ҳақида (Олмаота).
17.40 Фалсафий суҳбатлар. «Эркинлик ва масъулият».
18.25 В. Шувалов қуйлайди.
18.50 «Америкадан мактублар». 2-кўрсатув.
19.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
20.15 «Минотавр ҳузурига ташриф». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
21.30 «Время».
22.00 Коллаж.
22.05 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра.
22.15 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.35 «В и Д» программаси.
01.35 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15, 10.25 Илмий-оммабоп фильмлар: «Бешиктерватар бекинмачоқ ўйнайди», «Капалакларнинг ғаройиб олами».
9.35, 10.40 Тарих. 5-синф. Петербург — Россиянинг янги пойтахти.
9.55 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Адабиёт. 6-синф. А. С. Пушкин. «Тақводор Олег ҳақида қўшиқ».
12.05 «Давомли мутолаа». Мария Башкирцева. Кундаликлар.

* * *

13.05 «Классик ансамбль» чалади.
13.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ботқоқликдаги кишилар. Полесье воқеаси». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.

* * *

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Петропавловск-Камчатскнинг 250 йиллигига.
18.30 Спорт ҳамма учун.
19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
19.30 Волейбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. СССР — Франция терма командалари. Бразилиядан кўрсатилади.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ одамчалар клуби».
20.45 Коллаж.
20.50 Халқаро конкурслар лауреати М. Федотов концерти (скрипка).
22.00 СССР Олий Совети сессиясида.

* * *

23.30 МТ хазинасидан. «Дульсинея Тобосская». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

ҚИЗИҚАРЛИ КЎРГАЗМА

Андижон шаҳридаги Ленин номли кўча яқинда одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда кўргазма очилди.

Вилоятдаги 37 та ҳунар-техника билим юртларининг ишлаб чиқариш устахоналарида тайёрланган юзлаб истеъмол буюмлари, ёрдамчи хўжаликлар, боғлар, полизлару томорқаларда етиштирилган мева ва сабзавотлар, дон-дунлар, парранда ва гўшт маҳсулотлари кўргазма савдо расталаридан ўрин олди.

Меҳнаткашлар айниқса ҳунар-техника билим юртларида тайёрланган эшик-ромлар, нақкошлик ишлари, сандиқ-жавонлар, хонтахта сўрилар, беланчакларни иштиёқ билан харид қилдилар.

Вилоят ҳунар-техника билим юртлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик уюшмаси аъзолари дилрабо қўшиқ, жозибали рақслар ижро этиб, қатнашчилар олқишига сазовор бўлдилар.

М. БОЛТАБОЕВ,
С. ҲАЙДАРОВ.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ТИМСОҲХОНА

Бундан 10 йил муқаддам Калькутта яқинида ташкил этилган тимсоҳхона яқинда Ҳиндистонда ўзига хос рекорд ўрнатиб, Ғарбий Бенгалия штатидаги дарёларга бирданига 200 га яқин тимсоҳни қўйиб юборди. Тимсоҳхона яна 115 та тимсоҳни эркинликка чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда.

Штатнинг, ҳатто бутун Ҳиндистоннинг дарёларида бу ҳайвонлар сони фалокатли даражада тез камая бошлаганлиги муносабати билан мамлакатнинг ана шу қисмида тимсоҳ етиштириш билан шуғулланадиган махсус ферма ташкил этилган эди.

Ҳозир эса дарёлар ва ороллар соҳилларида тимсоҳ туҳумларини йиғаётган ферма ходимларини ва уларнинг кўнгилли ёрдамчиларини тез-тез учратиш мумкин. Тимсоҳ туҳумлари техниканинг энг янги ютуқлари асосида жиҳозланган инкубаторга жойлаштирилади.

Ферма ўзининг асосий вазифаси — тимсоҳларни сақлаб қолишдан ташқари, яхшигина фойда келтираётган туристлар марказидир.

Отлиқ милиция

ОЁҒИДАН ЎТ ЧАҚНАР

Тонг отмоқда. Қўқон осмони узра парқу булутлар сузади. Тунги чироқлар ҳали ўчмаган. Атроф осуда, жим-жит. Бирдан от туёқларининг дупури эшитилди. Қўқонда милиция эскадрони ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу — ҳозирча жумҳуриятда ягона. Техника, бензин камчиллиги учун шундай йўл тутилдими? Ҳар қалай баҳслашишга арзийдиган мавзу. СССР халқ депутати, Қўқон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. Ёқубов билан бўладиган суҳбат давомида ана шу ҳақда ҳам фикрлашишга қарор қилдик.

— Ҳаёт бизни сезгир ва ҳушёр бўлишга ўргатди, — дейди Юсуфжон Раимжонович. — Жамиятимизда кечаётган сиёсий танглик бугун ҳеч кимга сир эмас. Кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ички хизмат ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу оғир, аммо шарафли вазифани адо этиш милиция фаолиятини қайта қуришга, унинг барча бўғинларини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Биз ҳамшаҳарларимиз тинч меҳнат қилишлари, осойишта ҳордиқ чиқаришлари учун барча чораларни кўраяпмиз. Ҳозирги кунда шаҳар ички ишлар бўлими транспорт воситалари билан тўлиқ таъминланган, унинг маъмурий биносини қайтадан қуриш режалаштирилаяпти. Шароит ҳамда қулайлик бўлмас экан, ҳуқуқ-тартибот ишида самарали натижаларга эришиш қийин. Буни тажрибадан яхши биламиз. Ниҳоят, мана милиция эскадрони ташкил этилди — хайрли ғоя рўёбга чиқди.

— Раҳбарликда гап кўп, — сўзини давом эттиради Юсуфжон Раимжонович. — Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Шукрулло Рўзматов ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён этмоқда. У асли қўқонлик. Шу туфайли шаҳарни ва қўқонликларни яхши билади. Ишчан, ташаббускор. Ёш бўлишига қарамай қисқа вақт ичида аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Унинг вилоят Советига депутат қилиб сайланганлиги ҳам бежиз эмас. Ш. Рўзматов интизом ва уюшқоқлик, ходимларнинг касб маҳорати, сиёсий тайёргарлиги иш муваффақиятини таъминловчи асосий омил эканлигини яхши билади. Унинг ишидан кўпчилик мамнун.

Ўша куни Ўзбекистон ССР халқ депутати, Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Р. Абдуллаев билан ҳам учрашдик. Ўзаро суҳбатда у қуйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимизда ўсиб бораётган жиноятчилик ҳуқуқ-тартибот ишларини, ахлоқий тарбияни такомиллаштиришни тақозо этаяпти. Юзага келган мураккаб вазиятни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳозирги кунда вилоятимиз шаҳарлари ва районлари, жумладан, Қўқонда жиноятчиликка қарши кураш учун ишончли, мустаҳкам ҳимоя қалқони мавжуд, дейишга тўла асос бор. Муниципал милиция таркибида 650 киши хизмат қилмоқда. Бу соҳадаги яна бир янгилик — Қўқонда отлиқ кавалерия ташкил этилганлигидир. Шаҳарнинг машина юролмайдиган «жин» кўчаларида отда юриш ҳар жиҳатдан қулай, албатта. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда жамоатчилик яқиндан ёрдам кўрсатаяпти. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётир.

— Отлиқ эскадрон қачон ташкил этилганди?

— Бир неча ой бурун,— изоҳ беради генерал-майор. — Бу ташаббус дастлаб жамоатчилик фикри асосида юзага келди: шахсий оти бўлган милиция ходимлари тунги хизмат пайтида ундан фойдаланишга интилдилар. От—инсоннинг дўсти. Борабора алоҳида кавалерия тузиш ғояси туғилди. Шаҳар маъмурияти бу фикрни маъқуллади, тегишли маблағ ажратилди. Тошкент от заводидан 136 минг сўмга наслдор, спортчи арғумоқлар сотиб олинди.

— Бундан чиқди чиниққан отлар экан-да?

— Шундай. Асосан икки — беш ёшли. Фақат мамлакат чемпиони бўлган Изумруд лақабли арғумоқ сал «қарироқ»: саккиз ёшда. Инсон сингари отларнинг спортдаги фаолияти ҳам қисқа. Эскадрон шу йил май ойида Андижонда юз берган оммавий тартибсизликлар пайтида дастлабки синовдан ўтди. Ҳадемай Фарғона шаҳрида ҳам ана шундай отлиқ милиция ташкил этмоқчимиз.

Юз эшитгандан бир кўрган афзал. Кечқурун шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Ш. Рўзматов ва унинг ўринбосари У. Шомуродов билан эскадрилья томон отландик. Ш. Рўзматов йўл-йўлакай ҳикоя қилди:

— Ҳозир арғумоқлар сони йигирматага етди. Яна 40 та сотиб олмоқчимиз. Шу мақсадда 60 отга мўлжалланган отхона қурилаяпти. Юсуфжон Раимжонович яқинда Москвада бўлиб, СССР халқ депутати В. А. Стародубцев билан учрашганидан хабаримиз бор. Тула вилояти Новомосковск районидаги Ленин номли наслчилик колхоз-заводига раҳбарлик қилаётган бу одам бизга кераклича от етказиб беришга рози бўлибди. Суворий милиционерлар учун махсус кийим-бош тайёр. Унинг нусхаси шаҳар маиший хизмат комбинати чеварлари билан ҳамкорликда яратилди. Эскадрон тўла жиҳозлангач, нафақат шаҳарда, балки Қўқон тасарруфидаги қишлоқларда ҳам назорат хизматини кенг йўлга қўймоқчимиз. Хайрли ҳаракат меҳнат жамоалари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Асосий мақсад — аҳоли осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат.

Мана, биз эскадрондамиз. Юлдуздек чақнаб турган арғумоқлар тунги хизмат олдидан «ҳордиқ» чиқаришмоқда. Интеграф, Парафиль, Запорожец, Нокофон, генерал фахр билан тилга олган мамлакат мусобақаси совриндори Изумруд... Эскадрон командири, милиция сержанти Ш. Шоносировнинг айтишича, ҳар бир отга махсус киши биркитилган. Булар асосан суворий милиционерларнинг ўзларидир. Беш нафар отбоқар, ветврач Б. Султонов арғумоқлар атрофида парвона. Фрунзе районидаги «Сирдарё» совхози ем-хашак билан ўз вақтида таъминлаб турибди.

Мақола сўнггида Ю. Ёқубовнинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик:

— Қайта қуриш, ошкоралик, туб демократик ўзгаришлар шароитида ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш ғоят мураккаб иш. Умид қиламизки, осойишталик посбонлари ҳушёрликни ошириб, меҳнат жамоалари, норасмий ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлайдилар, ўз фаолиятларини такомиллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланадилар. Бу ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун зарур. Зеро, соғлом турмуш тарзи меҳнатга унум, қалбга маънавий куч бағишлайди.

Яхши истак. Биз ҳам унга тўла қўшиламиз.

А. ҚАИРБЕКОВ,
Г. НУРМАТОВ.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1278.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12